Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

2011 йил 10 март, пайшанба

10 (382)-сон

E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_asr@yahoo.com

ПАРТИЯНИНГ БУ ЙЎНАЛИШДАГИ ФАОЛИЯТИ ШУНЧАКИ ИШТИРОК БИЛАН ЧЕКЛАНИБ ҚОЛМАСДАН, ТАДБИРКОРЛАР ВА ФЕРМЕРЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ НУФУЗИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ДАСТУР ВА ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ҚАРАТИЛИШИ ЗАРУР. » 02



БАНК ТОМОНИДАН ЎТГАН ЙИЛИ КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА АЖРАТИЛГАН КРЕДИТЛАР МИҚДОРИ 27,6 МЛРД. СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТДИ. » 04



ЭНДИ ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ОСИЁ-ОКЕАНИЯ МИНТАҚАСИНИНГ 8-11 ИЮЛЬ КУНЛАРИ БЎЛИБ ЎТАДИГАН ИККИНЧИ БОСҚИЧИДА ЯПОНИЯ ТЕРМА ЖАМОАСИ БИЛАН БЕЛЛАШАДИЛАР. » 08



# Концепция ғоялари — амалда

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ АЙРИМ МОДДАЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

**«Мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислоҳотлар дастурига маълум ўзгартишлар киритиш билан бирга, биринчи навбатда эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор».**

Президент Ислом КАРИМОВнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» номли маърузасидан.



Ўтаётган ҳафтада парламент қуйи палатасида Юртбошимиз ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши амалда «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор вазифалар ижросига киришилганини англатади.

Концепциянинг «Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш» деб номланган биринчи йўналиши ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасидаги манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантиришга қаратилгани билан ниҳоятда муҳим экани халқаро экспертлар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

Ўз навбатида, умуммиллий дастуриламал дея баҳоланаётган Концепцияда асосий эътибор давлат ҳокимиятининг уч субъекти: давлат бошлиғи — Президент, қонунчилик ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ваколатларни мутаносиб тақсимлашни таъминлашга қаратилгани Ўзбекистонда сиёсий тизимни модернизация қилиш, мамлакатни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичи бошланганидан далолатдир.

3 ►►



Абдуқодир ТОШҚУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси:

**— Бундай ўзгартишлар замирида парламентни демократик янгиланишлар, либерал ислоҳотларнинг локомотивига айлантириш ғояси мужассам бўлиб, бу нафақат сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини, айни пайтда уларнинг ислоҳотлар тақдирига бўлган масъулиятини ҳам бир неча баробарга оширади.** » 03

## ТАЯНЧ ВА СУЯНЧ БЎЛИШ БАХТИ

O`zLiDeP аъзоларининг **20** мингдан зиёди тадбиркор аёллардан иборат экани ҳам опа-сингилларимиз ижтимоий ҳаётимизнинг тўлақонли аъзоларига айланганларини кўрсатади. » 02



Равшан АСҚАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси:

**— Конституцияга киритилаётган янги ҳуқуқий нормалар O`zLiDePдан мамлакат миқёсида фикрлай оладиган, ижтимоий-иқтисодий дастурлар ижросини таъминлаш ва ана шу жараёнларда ташаббус кўрсатишга қодир кадрлар тайёрлашни талаб этмоқда.** » 03



Шоира ҲАЙДАРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:

**— Конституциявий қонундан кейинги уч йилда парламентга бунчалар кучли ваколатлар берилиши сиёсий партиялар фаолиятидаги ўзгаришлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган эътибор билан боғлиқдир.** » 03

# Давр билан ҳамоҳанг

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР ИСТИҚЛОЛНИНГ ДАСТЛАБКИ КУНЛАРИДАН ДУНЁДА «ЎЗБЕК МОДЕЛИ» ДЕЯ ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА ТЎҒРИ ВА ОҚИЛОНА ЭКАНИНИ КЎРСАТМОҚДА

Халқаро жамоатчилик ва кузатувчилар, сиёсатчилар, Халқаро валюта фонди, Жаҳон ва Осиё тараққиёти банклари каби дунёдаги энг нуфузли ташкилотлар ҳам бугун Ўзбекистоннинг ўтган қисқа даврда босиб ўтган йўлини, амалга оширилаётган мислсиз ўзгариш ва янгиланишларни, мамлакатимизнинг обрў-эътибори юксалиб бораётганини тан олмоқдалар.

Аммо мамлакатимиз тараққиёт йўлининг пировард мақсадига эришиш учун замон қандай тез ва шиддат билан ўзгараётганини ҳисобга олган ҳолда тараққиётимиз ва демократик янгиланиш заминини белгилаб берадиган қонунларни ўз вақтида қабул қилиш, уларга ҳаёт тақозо этаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш зарурати бугунги кунда нечоғли долзарб эканини барчамиз яхши англашимиз, тушунишимиз лозим.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида қабул қилинган Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Қонунчилик палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун айнан ана шундай мақсадларга йўналтирилган.

Мазкур қонундан кўзда тутилган мақсад ҳақида гапирганда, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва давом эттириш мақсадида амалда ўзини оқлаган босқичма-босқич ривожланиш йўлидан изчил бориб, ислоҳотларни янги босқичга кўтариш заруратидан келиб чиқилганини, шунингдек, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши, ҳозирги кунда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий етуклиги ва ижтимоий фаоллиги тобора ортиб бораётгани инобатга олинганини таъкидлаш лозим.

Шу маънода қонундаги барча моддалар миллий давлатчилигимиз негизларини мустаҳкамлаш, жамиятимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, барқарор тараққиёт кафолатини таъминлаш ва шу асосда иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари ва халқимизнинг ҳаёт даражасини изчиллик билан кўтариб боришдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

2 ►►

# Сиёсий маданият

## УНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

Мустақиллик йилларида аҳолининг сиёсий маданиятини ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоялашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар жамоатчилик назорати институтини шакллантириш имконини бериб, фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини кучайтирди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» номли маърузасида ҳам бу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас.

02 »

## БУГУНГИ СОНДА:

### ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ ҲАМ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚМОҚДА

03 »



Толибжон МАДУМАРОВ,
халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари

**КОНЦЕПЦИЯДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН ВАЗИФАЛАР ЖОЙЛАРДАГИ ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИ ҲАМДА ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИ БУГУНГИ ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИГА ОЛИБ ЧИҚИШНИ ТАҚОЗО ЭТАЯПТИ**

Шу муносабат билан "Халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашининг Регламенти ва доимий комиссиялари тўғрисида"ги низомнинг янги таҳрири ишлаб чиқилиб, унга кўра жойлардаги вакиллик органларининг ишчи тузилмалари бўлган доимий комиссиялар ва партия гуруҳларининг ваколатлари кенгайтирилди ҳамда улар зиммасидаги вазифалар аниқ белгилаб олинди.
Бунда, энг аввало, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига назорат қилувчи органлар томонидан ноқонуний аралашувларни чеклаш, ижро ҳокимияти томонидан тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасидаги ишларни жиддий назоратга олишга алоҳида эътибор қаратилди.
Вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг доимий комиссиялари йиғилишларида ёки сессияларда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсиқ бўлаётган айрим ҳолатлар бўйича мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш масаласи ҳам амалиётга киритилди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 10 МАРТДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,** статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | ↑ 1692,53 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ↑ 2718,50 |
| 1 Дания кронаси | ↑ 312,66 |
| 1 БАА дирҳами | ↑ 454,77 |
| 1 АҚШ доллари | ↑ 1670,15 |
| 1 Миср фунти | ↓ 283,17 |
| 1 Исландия кронаси | ↑ 14,53 |
| 1 Канада доллари | ↑ 1717,38 |
| 1 Хитой юани | ↑ 254,26 |
| 1 Малайзия ринггити | ↑ 551,57 |
| 1 Польша злотийси | ↑ 585,07 |
| 1 СДР | ↑ 2631,04 |
| 1 Туркия лираси | ↑ 1046,92 |
| 1 Швейцария франки | ↓ 1792,20 |
| 1 ЕВРО | ↑ 2310,24 |
| 1 Жанубий Корея вони | ↑ 14,97 |
| 1 Япония иенаси | ↓ 202,91 |
| 1 Россия рубли | ↑ 58,97 |
| 1 Украина гривнаси | ↑ 210,43 |

Партиянинг бу йўналишдаги фаолияти шунчаки иштирок билан чекланиб қолмасдан, тадбиркорлар ва фермерларнинг иқтисодиётдаги нуфузини янада оширишга йўналтирилган дастур ва йирик лойиҳаларни амалга оширишга қаратилиши зарур.

# Амалий ишларгина муваффақият гарови бўлиши мумкин

**ЮРТБОШИМИЗ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ» XXI АСРНИНГ КЕЙИНГИ ЎНЙИЛЛИКЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАСТУРИЛАМАЛ ҲУЖЖАТ БЎЛИБ, ЖАМИЯТИМИЗНИНГ БАРЧА ЖАБҲАЛАРИДАГИ ЯНГИЛАНИШ ВА ЎЗГАРИШЛАРГА АСОС БЎЛАДИ**

Хўш, ана шу муҳим ҳужжатда белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга оширишга сиёсий партияларимиз қай даражада тайёрлар? Улар ўз зиммаларига юкланаётган масъулият юкини ҳис этаяптиларми?

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида ана шундай саволлар ўртага ташланиб, O`zLiDeP халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш бўйича комиссияси йиғилишида ана шундай саволлар ўртага ташланиб, партиянинг мазкур йўналишдаги фаолияти танқидий кўриб чиқилди.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроя Қўмитаси раиси Муҳаммадюсуф Тешабоевнинг таъкидлашича, ушбу дастурий ҳужжатда ўз аксини топган йўналишлардан келиб чиқиб, партиянинг барча тузилмалари фаолиятини чуқур таҳлил қилиш асосида ислоҳотларнинг янги босқичидаги вазифаларни амалга ошириш зарур.

— Айни пайтда партиянинг парламентдаги фракцияси, ҳудудий кенгашлар, бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда, — деди М.Тешабоев. — Аммо бу борада сиёсий партияларнинг марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият идораларини шакллантириш жараёнидаги таъсирини таъминлашни назарда тутувчи Конституциявий қонун яратиб берган имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаяпмиз. Малакали кадрлар захирасини шакллантирмай, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига дахлдор масалаларни таҳлил этмай туриб, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий дастурлари ижросини таъминлашда фаол қатнашолмаймиз.

Кенгайтирилган йиғилишда Концепцияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун энг аввало маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари ишини тубдан қайта кўриб чиқиш ва замон талабларига мослаштириш зарур. Негаки, мазкур тузилмалар воситасида қабул қилинаётган қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари ижроси устидан кучли партиявий назоратни амалга ошириш ҳамда шу орқали маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятига самарали таъсир кўрсатиш мумкин.

Йиғилишда O`zLiDeP депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш бўйича комиссия ва депутатлик гуруҳларининг ўтган йилдаги фаолияти атрофлича муҳокама қилиниб, уларнинг ишини ташкил этишда асосий эътибор партиянинг Сайловолди платформасида илгари сурилган мақсад-вазифаларни амалга оширишга қаратилиши лозимлиги қайд этилди. Тўғри, давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузасида билдирилган танқидий фикрлардан келиб чиқиб, партиянинг барча қуйи бўғинлари фаолияти қайта кўриб чиқилди.

2010 йил давомида жойлардаги депутатлик гуруҳлари томонидан вилоят, туман (шаҳар) миқёсида жами 1040 та сессия ўтказилиб, уларда 275 та таклиф ва ташаббус киритилгани, шунинг 77 фоизи ижобий ҳал қилингани ҳам бу борадаги ишларнинг жонланганини кўрсатади.

O`zLiDeP депутатлик гуруҳи ташаббуси билан Самарқанд вилоят кенгаши сессиясига «Вилоятдаги йўл қурилиши ва йўллардан фойдаланишнинг аҳволи тўғрисида»ги масала олиб чиқилди ҳамда мазкур масала юзасидан халқ депутатлари вилоят кенгашининг 2010 йил 28 декабрда тегишли қарори қабул қилинди. Қарорда вилоятда йўлларни таъмирлаш ишларининг аҳволи етарли даражада эмаслиги қайд этилиб, вилоят ҳокимлигининг соҳага мутасадди ходимлари ва тегишли идораларга зарур кўрсатмалар берилди. Натижада бугунги кунга келиб ушбу қарорнинг амалий ижросини таъминлаш юзасидан ишлар бошлаб юборилди.

Бухоро вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан эса "2010 йилнинг иккинчи ярмийиллигида накд пул тушумларининг кескин оширилишини ва биринчи даражали ижтимоий тўловларнинг ўз вақтида тўланишини ҳамда электр энергияси, табиий газ ва бошқа коммунал тўловларнинг ундирилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги масала сессия кун тартибига олиб чиқилди. Ушбу масала юзасидан халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиясида тегишли қарор қабул қилинди. Натижада вилоятдаги тижорат банклари томонидан 2010 йил июль-декабрь ойлари учун 122024 та пластик карточка олиб келиш режалаштирилди.

Бундай мисолларни барча ҳудудлардаги партия тузилмалари фаолиятидан келтириш мумкин. Бироқ ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жойларда партия депутатлик гуруҳлари ишини ташкил этишда мавжуд имкониятлардан етарлича фойдаланилмаяпти. Комиссия йиғилишида O`zLiDeP Андижон, Жиззах, Навоий, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан депутатлик гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва кучайтириш борасидаги ишлар қониқарли эмаслиги қайд этилди. Ҳисобот даврида қабул қилинган қарорлар асосида жойларда ишни талаб даражасида ташкил этмаслик, ишлаб чиқилган иш режаларини тўлақонли бажармаслик, кадрлар танлаш ва партия захирасини шакллантириш, партия электорати билан ишлашнинг самарали усулларидан фойдаланиш билан боғлиқ қатор камчиликларни бартараф этмасдан туриб кўзлаган мақсадга эришиб бўлмаслиги таъкидланди.

Йиғилишда ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили ва ислоҳотларнинг янги босқичида O`zLiDePнинг иштироки масаласига эътибор қаратилди. Бухоро вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Мансур Зокировнинг фикрича, партиянинг бу йўналишдаги фаолияти шунчаки иштирок билан чекланиб қолмасдан, тадбиркорлар ва фермерларнинг иқтисодиётдаги нуфузини янада оширишга йўналтирилган дастур ва йирик лойиҳаларни амалга оширишга қаратилиши зарур.

— Бунда, энг аввало, депутатлик гуруҳлари раҳбарларининг иш услубини ўзгартириш керак, — деди М.Зокиров. — Сессиялар кун тартибига олиб чиқилаётган ҳар қандай масала обдан ўрганилиб, ундан кейингина маҳаллий ижро ҳокимияти органлари иштирокида муҳокама қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Мазкур жараёнда сайловчиларнинг иштирокини таъминлаш орқали уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиш ҳам яхши самара бериши мумкин. Чунки масала юзасидан қабул қилинадиган қарорларда ундан манфаатдор қатламнинг хоҳиш-иродаси акс эттирилса, уни ҳаётга татбиқ этиш осон кечади.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, ҳудудий партия ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари вилоят кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари иштирок этган йиғилишда депутатлик гуруҳлари аъзоларининг шахсий масъулиятини ошириш, сусткашлик ҳолатларига нисбатан эса партиявий таъсир чораларини қўллаш юзасидан таклифлар билдирилди. Йиғилишда тегишли қарор қабул қилиниб, партиянинг барча даражадаги тузилмаларига зарурий кўрсатмалар берилди.

# Давр билан ҳамоҳанг

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄



**Маъруф УСМОНОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси

Мазкур қонун Олий Мажлис палаталарининг ваколатларини кенгайтиришга, Бош вазирнинг ва умуман ҳукуматнинг мустақиллиги ва масъулиятини кучайтиришга, шу орқали давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлашга қаратилган.

Бевосита киритилаётган ўзгартишлар моҳиятига тўхталсак, Конституциямизнинг Конунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларини белгилайдиган 78-моддаси 15-бандига мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масаллари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама килиш ҳақидаги нормани киритиш тавсия этилган. Бу янгилик давлат бошқарувини янада демократлаштиришга, Бош вазирнинг масъулиятини ошириш ва ўз ўрнида парламентнинг ваколатларини кенгайтиришга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этади.

Конституциянинг 80-моддаси 6-бандига, 93-моддаси 12-бандига киритилиши назарда тутилган Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш тўғрисидаги Президент фармонини тасдиқлашни Сенат ваколатига ўтказилиши парламент учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки Ҳисоб палатаси Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан оқилона фойдаланишни молиявий назорат қилишнинг ғоят муҳим воситаси ҳисобланади. Парламент Ҳисоб палатаси раисини тасдиқлаши орқали ушбу фаолиятнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини янада оширишга, шу билан Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларининг мақсадли ишлатилиши устидан парламент назоратини ўрнатиш каби қўшимча ваколатга эга бўлади.

Конституциянинг 93-моддаси биринчи қисми 8-бандидаги Ўзбекистон Республикасининг Президенти ваколатларидан "ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади" деган сўзларнинг чиқариб ташланаётгани эса давлат ҳокимиятининг учта субъекти ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишида муҳим аҳамиятга эга.

Конституциянинг 93-моддаси 15-бандида вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини эндиликда Президент Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан тайинлаши ва лавозимидан озод этиши белгиланмоқда. Бундан асосий мақсад ҳукумат ва ҳукумат раҳбарининг мустақиллиги ва масъулиятини кучайтиришдир. Конституциянинг 98-моддасига таклиф этилаётган ўзгартишларнинг моҳияти Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашни янада демократик принципларини ифодалашга қаратилган.

Албатта, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилаётган юқоридаги ўзгартиш ва қўшимчалар, энг аввало, парламент томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини шакллантириш, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ролини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланишида алоҳида аҳамият касб этади.

Ўз навбатида, бугун юртимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялардан ҳам ана шу принципларни ҳаётга жорий этиш ишларига тайёр бўлишлари, сиёсий етукликка интилишлари талаб этилади.

Барчамизга маълум, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган нормаларни амалга ошириш юзасидан ўзининг жорий йил ва узоқ истиқболга мўлжалланган дастур ва режаларини ишлаб чиқди ва шу асосда фаолиятни давом эттирмоқда. Бу йўналишда келажакда салмоқли натижаларга эришиш мақсадида, аввало, сафларимизни сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксак, интеллектуал салоҳияти юқори, халқ орасида инсоний фазилатлари ва ахлоқий хусусиятлари билан ўзига хос обрў-эътибор қозонган, ташаббускор, кўпчиликни ортидан эргаштира оладиган, масъулиятни чуқур ҳис этадиган, эл-юрт манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўя оладиган инсонлар ҳисобига кенгайтириб бормоғимиз лозим.

Бундан ташқари, партиямиздан Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайланадиган депутатларнинг сиёсий фаоллигини ошириш навбатдаги вазифамиздир. Уларнинг нафақат қонун ижодкорлиги йўналишида, балки амалдаги қонунларнинг жойларда қай даражада ижро этилаётгани, сайловчиларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этиш борасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимликлар қандай иш олиб бораётгани, ҳудудларда яшовчи аҳолининг кайфияти ва руҳияти қандай эканидан доимий равишда хабардор бўлиб бориш, лозим бўлганида, ўз ваколатлари доирасида керакли чора-тадбирлар кўриш масъулиятини кучайтириш мақсадидамиз.

Конституциямизга киритилаётган бугунги ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Сайловолди платформаси ва Ҳаракат дастурида белгиланган мақсад-муддаоларни амалга оширишда янада кенгроқ имкониятларни яратиб бериши табиий ҳол. Хусусан, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг барчаси Ватанимизнинг миллий манфаатларини таъминлашга қаратилгани барчамизга маълум. Шу маънода Ўзбекистоннинг тадбиркорлари ва ишбилармонлари манфаатларини рўёбга чиқаришни тўла қўллаб-қувватловчи сиёсий куч сифатида майдонга чиққан партиямиз учун бугун олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигига ҳисса қўшиш муҳим вазифамиздир.

# Сиёсий маданият

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ**

Жумладан, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари, жамоат фондлари, сиёсий партиялар, сиёсий партияларни молиялаштириш, фуқаролар мурожаатлари тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши туфайли ҳам жамият сиёсий тизимининг барқарор ишлашини комплекс тартибга солувчи яхлит ҳуқуқий механизм шаклланди. Мазкур қонунлар фуқароларнинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтирибгина қолмай, аҳоли сиёсий маданияти юксалишига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Бу эса Ўзбекистонда маънавият, одоб-ахлоқ, маърифат каби ўзаро узвий боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи тушунчаларга асосланган сиёсий маданиятни шакллантиришнинг яхлит тизими яратилганидан далолат беради, албатта.

Умуман олганда, истиқлол йилларида яратилган янги ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-ҳуқуқий муҳит, янги давлат ва жамоат тузилмалари мамлакатда ҳар бир инсон учун танлаш эркинлигини таъминлашга ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга катта таъсир кўрсатмоқда. Ўсиб келаётган янги авлод давлат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари қандай иш юритиши лозимлиги, ҳокимият фуқаролар учун нималар қилиши, уларнинг жамият олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари қандайлиги ҳақида тобора кўпроқ тасаввурга эга бўлиб бормоқда.

Шунга қарамай, кишиларнинг сиёсий маданиятини, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллиги ва фуқаролик масъулиятини ошириш соҳасида анчагина захиралар мавжуд эканини ҳам унутмаслигимиз керак.

Бу борада давлат бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлигини янада фаоллаштириш мақсадга мувофиқ саналмоқда. Бунда фуқароларнинг сиёсий онги, тафаккури ва маданиятини ошириш, мустақил фикр юритувчи, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлувчи ёшларни тарбиялаш, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш давр талабига айланди. Президентимиз таъкидлаганларидек, жойларда юртдошларимиз ҳокимият қарорлари қандай қабул қилинишини, уларнинг ижроси қандай назорат қилинаётганини билишлари, бу қарорларни тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этишларига эришиш зарур. Бунинг учун эса улар ана шу жараёнлардан доимо хабардор бўлиш ва, энг муҳими, ҳар бир киши ўзини жамиятнинг ажралмас қисми, деб ҳис этиши ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Бу эса сиёсий маданиятни шакллантирувчи тарбия тизимини янада такомиллаштириш, шу йўналишдаги маърифий ишлар билан шуғулланувчи муассасалар фаолиятини самарали ташкил этиш, соҳага илғор ахборот ва педагогик технологияларни татбиқ қилиш зарурлигини англатади. Бунда ўқув юртларида сиёсий тарбия ва таълим тизимини, кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш, сиёсий фанлар бўйича ўқув курслари дастурларини кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга йўналтирилган демократик ислоҳотлар талабларига мувофиқлаштиришга эришиш, айниқса, муҳим вазифадир. Ўқув юртлари битирувчилари сиёсий билимлар асосларини эгаллаган бўлишлари, хилма-хил сиёсий таълимотларни бир-биридан фарқлай олишлари, бу соҳадаги ғояларни кундалик ҳаётда қўллаш малакасига эга бўлишлари керак.

Шу ўринда фуқароларнинг сиёсий маданиятини оширишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш, партиялар ичида фуқаролик намунаси, юксак сиёсий маданият эгалари бўлган фаолларни тарбиялаш устувор аҳамиятга эга.

Маълумки, сиёсий маданият масалаларига қизиқишнинг ўсиши бугунги кунда жаҳон илм-фанининг глобал тенденцияларидан бири ҳисобланади. Шундай бир пайтда халқимиз менталитетига зид ғояларга қарши кураш муҳим вазифага айланмоқда. Айни пайтда кенг омма ўртасида илмий асосда, равшан ва тушунарли тилда Ўзбекистондаги демократик ислоҳотларга асос бўлган бунёдкор ғояларни тарғиб этиш ниҳоятда муҳимдир. Бу борадаги тажрибаларни фақаттина шарҳлаш эмас, балки жамият ривожи юзасидан асосланган прогнозлар тақдим этиш, сиёсий маданият соҳасида амалий тавсиялар бериш, сиёсий маданиятни ривожлантирадиган таълим тизимини янада такомиллаштириш, бу жараёнда умуминсоний қадриятлар ҳамда аждодларимизнинг бой тарихий ва маданий меросига асосланувчи амалий мисоллардан фойдаланиш, замонавий ахборот технологиялари, ўқув услубларини қўллаш кутилган натижани бериши мумкин.

Жамиятда инсон ҳуқуқлари маданияти, демократия маданиятининг янада юқори даражасига эришиш, аҳолида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига нисбатан ҳурматни, фуқароларда қонунни ҳурмат қилишни шакллантиришга йўналтирилган Жамият ҳуқуқий маданиятини ошириш миллий дастури доирасидаги ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда кишиларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, уларнинг дунёқарашидаги ўзгаришлар, ижтимоий онги ўзгариши, сиёсий-ҳуқуқий маданиятнинг ўсиши давлат ва жамият қурилишини янада демократлаштириш, мамлакатни янгилаш ва модернизациялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

# Таянч ва суянч бўлиш бахти

**БУГУН ДУНЁНИНГ 125 ТА ДАВЛАТИ ОРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ВА ОНАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОРАСИДА ЕТАКЧИ ЎРИНЛАРНИ ЭГАЛЛАБ ТУРГАН ДАВЛАТГА АЙЛАНДИ**

Аёлларнинг нафақат уй бекаси, балки давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишларига кенг имкониятлар яратилгани учун ҳам мамлакатимизда меҳнатда банд аҳолининг 48 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда.

Хусусан, O`zLiDeP аъзоларининг 20 мингдан зиёди тадбиркор аёллардан иборат экани ҳам опа-сингилларимиз ижтимоий ҳаётимизнинг тўлақонли аъзоларига айланганларини кўрсатади. Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор вазифалар ҳам жамиятимизнинг барча жабҳалари, хусусан, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, маҳаллада оилавий бизнесни йўлга қўйишда яна улкан имкониятлар яратилишидан дарак бераяпти.

Юртбошимизнинг 8 март Хотин-қизлар халқаро куни муносабати билан йўлланган байрам табригида «Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган барча режа ва дастурларимиз ва уларни амалга ошириш ҳақида гапирганда, бир ҳақиқатни такрор ва такрор айтишни истардим — ўз олдимизга қўйган эзгу мақсад-муддаоларимизга етишда мен сиз, азиз аёлларимизни асосий таянчим ва суянчим, энг яқин маслакдошларим деб билганман ва бундан буён ҳам шу фикрда қоламан» деган фикрлари эса биз, аёлларнинг кучига куч қўшиб, халқимиз фаровонлиги йўлидаги интилишларимизни янада кучайтиришга даъват этади.

Шу маънода Концепцияда белгилаб берилган йўналишлар O`zLiDeP «Аёллар қаноти» зиммасига ҳам жуда катта масъулият юклашини таъкидлашни истардим. Тўғри, партия аъзоларининг 62334 нафарини ташкил этаётган хотин-қизларимиз томонидан ўтган йилларда бир қатор ишлар амалга оширилди. Биргина 2010 йилнинг ўзида тадбиркор ва фермер аёлларимиз томонидан мавсумий иш ўринларини қўшиб ҳисоблаганда 15 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Лекин эришилган натижалар билан қаноатланмаслик, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ҳамда Концепцияда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида "Аёллар қаноти" томонидан янги лойиҳаларни амалга оширишга киришдик. Ана шулардан бири Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган "Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари" лойиҳасидир. Ундан кўзланган асосий мақсад ҳам аёлларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини янада ошириш ҳамда қишлоқларимизда тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган хотин-қизларга бизнес-режалар тузиш, кредит олиш, тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларни тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатишдан иборатдир.



**Мухлиса АКРАМОВА,**
O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари

# Концепция ғоялари — амалда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄



Абдуқодир ТОШҚУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:

## ВАКОЛАТ ҲАМ, МАСЪУЛИЯТ ҲАМ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

— Энг аввало, бундай ўзгартишлар замирида сиёсий партиялар фракцияларидан иборат бўлган парламентни, энг аввало, демократик янгиланишлар, либерал ислоҳотларнинг локомотивига айлантириш ғояси мужассам бўлиб, бу нафақат парламент ва сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини, айни пайтда уларнинг ислоҳотлар тақдирига бўлган масъулиятни ҳам бир неча бароборга оширади.

Янги қонунга асосан, Бош вазир тавсиясига кўра Вазирлар Маҳкамаси таркиби билан бирга вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимларининг тайинланиши, шубҳасиз, ҳукуматга ниҳоятда кенг ваколатлар берилаётганини англатади. Аммо, ўз навбатида, манфаатлар мувозанатининг тўла таъминланиши учун парламентнинг ҳукумат фаолиятини назорат қилиш ваколатлари кучайтирилаётганини, яъни парламент томонидан Бош вазирнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича ҳисоботини эшитиш тартиби жорий этилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш тўғрисидаги Президент Фармонини тасдиқлаш Сенат ваколатига ўтказилиши ҳам Олий Мажлиснинг ижро ҳокимияти фаолиятини назорат қилишда яна бир кучли воситага эга бўлаётганини англатади. Чунки Ҳисоб палатасигина давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан оқилона фойдаланишни молиявий назорат қилиш ҳуқуқига эгадир. Шунингдек, Конституцияга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳуқуқи берилаётганини бир таҳлил этиб кўрайлик. Агар Бош вазир ва Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар юзага келгудек бўлса, депутатларнинг камида учдан бир қисми томонидан бу масала Президентга кўриб чиқиш учун тақдим қилинади. Давлат раҳбари томонидан эса бу таклиф Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига киритилади. Бу эса сайловларда энг кўп овоз олиб, Бош вазир номзодини кўрсатган сиёсий партия билан бошқа сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатни кучайтиради, бошқача айтганда, мамлакат сиёсий майдонида партиялараро курашни ривожлантириш имконини кенгайтиради.

Бу эса ўз-ўзидан Бош вазирнинг ўз фаолияти давомида партия манфаати, унинг платформаси асосида иш юритишини, яъни партиянинг ғоя ва мақсадларини амалиётга жорий этиш масъулиятини оширади.

**БУНДАЙ ЎЗГАРТИШЛАР НАФАҚАТ ПАРЛАМЕНТ ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ВАКОЛАТЛАРИНИ, АЙНИ ПАЙТДА УЛАРНИНГ ИСЛОҲОТЛАР ТАҚДИРИГА БЎЛГАН МАСЪУЛИЯТИНИ ҲАМ БИР НЕЧА БАРОБАРГА ОШИРАДИ.**



Равшан АСҚАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:

## ЖИДДИЙ ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

— Сиёсий тизимдаги бундай ривожланиш парламент фаолиятининг кескин ўзгаришини, яъни фракциялар, қўмиталар фаолиятини ҳам бугунги кун талабларига мослаштиришни талаб этади.

Зеро, бу жараён ижро ҳокимияти фаолиятини таҳлил этиш ва назорат қилиш учун депутатлардан давлат миқёсида фикр юритиш, ҳаётимизнинг барча соҳаларидан хабардор бўлиш билан бирга реал вазиятни таҳлил этиш ва тўғри қарорлар қабул қилишга тайёр бўлишни ҳам талаб этмоқда.

Концепция асосида Конституцияга киритилаётган бундай ўзгартишлар, шубҳасиз, ҳар қандай партия, жумладан, O`zLiDePдан ҳам кучли кадрлар захираси, хусусан, туман, шаҳар ва вилоятлар кесимидагина эмас, балки мамлакат миқёсида фикрлай оладиган, ижтимоий-иқтисодий дастурлар ижросини таъминлаш ва ана шу жараёнларда ташаббус кўрсатишга қодир кадрлар тайёрлашни талаб этмоқда.

Бошқача айтганда, партиямизнинг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан маданияти юксак, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган, халқ орасида обрў-эътибор қозонган, ташаббускор ва бошқаларни ўз ортидан эргаштира оладиган, элюрт манфаатини ўз манфаатидан устун қўядиган инсонлар ҳисобига кенгайтиришимиз лозим бўлади. Соғлом рақобат асосидаги кураш тақдирини эса ҳар томонлама етук ва салоҳиятли кадрлар ҳал этишини унутмаслигимиз даркор.

**КОНСТИТУЦИЯГА КИРИТИЛАЁТГАН ЯНГИ ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР O`ZLIDEPДАН ҲАМ КУЧЛИ КАДРЛАР ЗАХИРАСИ, ХУСУСАН, ТУМАН, ШАҲАР ВА ВИЛОЯТЛАР КЕСИМИДАГИНА ЭМАС, БАЛКИ МАМЛАКАТ МИҚЁСИДА ФИКРЛАЙ ОЛАДИГАН, ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ДАСТУРЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА АНА ШУ ЖАРАЁНЛАРДА ТАШАББУС КЎРСАТИШГА ҚОДИР КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИ ТАЛАБ ЭТМОҚДА.**



Шоира ҲАЙДАРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:

## ЯНГИ БОСҚИЧ ТАЛАБЛАРИ

— 2007 йилнинг 28 февралида қабул қилинган ва 2008 йилдан кучга кирган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун партиялар ролини ошириш ва уларга ўз фракциялари орқали ҳукумат фаолияти юзасидан парламент назоратини ўрнатиш ваколатини берган бўлса, «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»га мувофиқ Конституцияга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар энди партияларга ҳукумат фаолиятини назорат қилиш билан бирга ижро ҳокимияти сиёсатини шакллантириш ва уни амалга ошириш жараёнига ҳам бевосита таъсир этиш имконини бермоқда.

Конституциявий қонундан кейинги 3 йил ичида парламентга бунчалар кучли ваколатлар берилиши сиёсий партиялар фаолиятидаги ўзгаришлар, энг муҳими, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда депутатлар ролининг ошгани билан боғлиқдир. Бундай янги меъёрлар, шубҳасиз, партия қурилишида ҳам, парламентаризм йўналишида ҳам эришилган ижобий ўзгаришлар самарасидир. Ана шундай ўзгаришларнинг бугунги кунга келиб амалга оширилаётганининг ўзига хос сабаблари бор, албатта.

Бу, биринчи навбатда барча соҳаларда бўлганидек, демократик ислоҳотларни амалга оширишда ҳам Ўзбекистонда босқичма-босқичлик тамойилларига қатъий амал қилинаётгани билан боғлиқдир. Ўтган давр мобайнида фуқароларимизнинг сиёсий фаоллиги ошди. Партиялар ўртасидаги рақобат кучайди. Мамлакат парламенти профессионал асосга эга бўлди. Хусусан, мамлакатда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани кўппартиявийлик тамойили асосида сиёсий партияларнинг жамиятдаги мавқеи мустаҳкамлангани билан боғлиқдир. Буларнинг барчаси партияларнинг сиёсий институт сифатида такомиллашувига имконият яратди, албатта.

Шу ўринда Конституцияга киритилаётган янги нормаларга мувофиқ сиёсий партиялар томонидан Бош вазир номзодининг кўрсатилиши энди партиялар зиммасига мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини ҳам яратиш вазифаси юклатилаётганини англатади. Демак, мамлакатни янгилаш, модернизация қилиш ва демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришдаги янги босқич мамлакат сиёсий майдонидаги сиёсий кучлардан бири бўлган O`zLiDeP учун ҳам бутунлай янги, таъбир жоиз бўлса, ниҳоятда масъулиятли давр бошланаётганини англатади.

**МАМЛАКАТНИ ЯНГИЛАШ, МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШДАГИ ЯНГИ БОСҚИЧ МАМЛАКАТ СИЁСИЙ МАЙДОНИДАГИ СИЁСИЙ КУЧЛАРДАН БИРИ БЎЛГАН O`ZLIDEP УЧУН ҲАМ БУТУНЛАЙ ЯНГИ, ТАЪБИР ЖОИЗ БЎЛСА, НИҲОЯТДА МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР БОШЛАНАЁТГАНИНИ АНГЛАТАДИ.**

# Қўмита тўртинчи ҳокимиятга ҳисоб берди

**2010 ЙИЛДА 2 ТА ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ, 20 ГА ЯҚИН ДАВРА СУҲБАТИ, СОҲАНИНГ ЕТУК МУТАХАССИСЛАРИ, ОЛИМЛАР ВА АМАЛИЁТЧИЛАР ИШТИРОКИДА 4 МАРОТАБА КОНФЕРЕНЦИЯ ЎТКАЗГАН АГРАР ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ «2010 ЙИЛ ЯКУНЛАРИ ҲАМДА 2011 ЙИЛДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР: ТАҲЛИЛ, ҲИСОБОТ ВА ТАКЛИФ» ДЕБ НОМЛАНГАН НАВБАТДАГИ ТАДБИРНИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ОЛДИДА ҲИСОБОТ ТАРЗИДА ЎТКАЗДИ**

Анжуманда алоҳида таъкидланганидек, Юртбошимизнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш устувор мақсадимиздир» номли маърузасида белгилаб берилган вазифалар мазкур қўмита фаолиятини ҳам бугунги кун талабларига мослаштиришни тақозо этмоқда. Тўғри, шу кунгача қўмита аъзолари томонидан аграр соҳанинг етук мутахассислари ва экспертлар кўмагида амалдаги 17 та қонунни такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар тайёрланди. Аммо бундай натижалар, қўмита аъзоларининг фикрича, ҳали етарли эмас.

Оммавий ахборот воситалари ходимлари, жамоатчилик ва O`zLiDePга ҳамкор ташкилотлар мутасаддилари иштирокидаги учрашувда парламентни либерал ислоҳотлар тарғиботчисига айлантиришда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан янада унумлироқ фойдаланиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, жамоатчилик назоратини ўрнатмасдан туриб, қабул қилинаётган қонунларнинг жойлардаги ижросини таъминлаб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бу вазифани эса тўртинчи ҳокимият иштирокисиз тўлақонли адо этиб бўлмайди.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси М.Тешабоевнинг таъкидлашича, қўмитанинг бундан кейинги фаолиятида ҳам ана шу талабга риоя қилинади. Бунда, энг аввало, қўмита фаолияти йўналишлари Концепция талаблари ҳамда 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида белгилаб берилган устувор вазифалар доирасида ташкил этилиши лозим.

— Юртбошимиз маърузаларида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, аграр соҳада олиб борилаётган ислоҳотларни янги босқичга кўтариш, фермер хўжаликларига бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди, — деди М.Тешабоев. — Бу вазифалар ижросини таъминлаш учун эса, энг аввало, ўтган даврдаги фаолиятимизни чуқур таҳлил қилиш орқали келгуси режаларимизга ўзгартишлар киритаяпмиз.

Тан олиш керакки, қўмитанинг 2010 йилдаги назорат-таҳлил ишлари соҳа қонунчилигини такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш имконини берди.

Қўмитанинг 2010 йилдаги фаолияти таҳлиллари унинг парламент эшитуви амалиётидан самарали фойдаланилганини ҳам кўрсатмоқда. O`zLiDeP фракцияси билан ҳамкорликда ўтказилган биринчи парламент эшитувида «Ўзстандарт» агентлигининг фаолияти таҳлил қилиниб, кичик бизнес субъектлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқараётган агрофирмалар фаолиятини ташкил этишга доир амалдаги тизимни янада мустаҳкамлаш зарурлиги эътироф этилди.

«Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг фермерликни ривожлантириш, мамлакатнинг аграр соҳасини модернизация қилишга доир дастурларнинг амалга оширилиш жараёни тўғрисидаги ахбороти ҳақида»ги парламент эшитувида эса айрим қонун ҳужжатларини такомиллаштириш лозимлиги таъкидланиб, бу масала атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбирда «2010 йилдаги фаолият якунлари ҳамда 2011 йилдаги устувор вазифалар: таҳлил, ҳисобот ва таклифлар тўғрисидаги АХБОРОТНОМА»нинг тақдимоти ҳам ўтказилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати раҳбари Олим Ўсаровнинг таъкидлашича, ушбу тўплам журналистлар ва кенг жамоатчиликка қўмитанинг ўтган йилдаги фаолияти ҳақида маълумот берувчи қўлланма вазифасини ўташи мумкин. Биринчи бўлиб қуйи палатанинг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган ва яхши натижалар бергач, бошқа қўмиталарда ҳам кенг қўлланилаётган матбуот анжумани ҳақиқатан ҳам парламент фаолиятининг очиқлигини таъминлаш баробарида, унинг иш самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қилади, дейиш мумкин.

Қирқ нафардан ортиқ журналистлар иштирок этган анжуманда билдирилган фикр ва мулоҳазалар, журналистларга интервью берган депутатларнинг қонунчиликни такомиллаштириш бўйича билдирган таклифларини таҳлил қилар эканмиз, бундай учрашувлар фақат йил якунида эмас, балки ҳар чоракда, ҳеч бўлмаса, йилда икки марта ўтказилса, аҳолининг парламент фаолиятидан хабардорлиги янада ортган бўларди, деган мулоҳаза пайдо бўлди. Чунки 5 нафар O`zLiDeP, 3 нафар ХДП, 3 нафар «Миллий тикланиш» ҳамда «Адолат» СДП ва Экоҳаракатдан бир нафар вакилдан иборат бўлган Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг бу галги тадбирида журналистлар кўпроқ маълумотлар олишга муваффақ бўлдилар. Бунга эса ҳар доим ҳам эришиш осон эмас.

*1,2,3-саҳифа материалларини М.АБДУРАҲМОНОВ, О.РАЖАБОВ, Қ.САЙДАЛИЕВ, И.ЭГАМНАЗАРОВ, Солиҳ ЗОИР (фото)лар тайёрлади.*

# Депутатлик гуруҳлари ҳам ўз фаолиятини қайта кўриб чиқмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Давлатимиз раҳбарининг халқ депутатлари Самарқанд вилоятининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи ҳамда йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида тилга олинган ахборот технологияларидан фойдаланиш, бу жараёнга ёшларни жалб этиш масаласи ҳам диққат марказида бўлди.

Очиғи, энди "тадбиркорларни қўллаб-қувватлаймиз", "тадбиркорликни ривожлантиришга ўз ҳиссамизни қўшамиз" каби умумий гаплар билан обрў қозониб, электоратни ишонтириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам 2011 йилдаги иш режамизга халқ депутатлари вилоят кенгашининг Аграр, сув хўжалиги ва экология масалалари доимий комиссияси билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 8 июндаги "Ишламаётган, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган давлат мулки объектлари негизида ноооэиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг Избоскан туманидаги ижросини туман кенгаши ҳамда доимий комиссия мажлислари кун тартибига киритиш режалаштирилди.

Бир сўз билан айтганда, 2011 йилдаги фаолиятимизни Президентимиз томонидан илгари сурилган Концепция талабларига мослаштираяпмиз. Бунинг учун эса Андижон давлат университети профессор-олимлари билан биргаликда Концепция мазмун-моҳиятини аҳолининг турли тоифаларига етказиш учун тарғибот материаллари ишлаб чиқдик. Жойларда илмий конференциялар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этаяпмиз. Мақсадимиз ислоҳотларнинг янги босқичида зиммамизга юкланган вазифаларни бажариш орқали янгиланишлар жараёнида фаоллик кўрсатишдир.

# O`zLiDePнинг 2010 йилги бюджети ижроси ва 2011 йилги бюджетининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида ахборот

**ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА ПАРТИЯНИНГ 2010 ЙИЛДАГИ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛА КЎРИБ ЧИҚИЛИБ, 2011 ЙИЛГИ БЮДЖЕТИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ**

Унда 2010 йил мобайнида марказий ва ҳудудий партия ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ташкилий-партиявий, мафкуравий, тарғибот-ташвиқот ишлари кўламини янада кенгайтириш орқали ўз дастурий мақсад-вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда эришилган натижалар самараси ўлароқ партия аъзолари сони 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига 170609 нафарни ташкил этди. Партиянинг қонунда белгиланган тартибда Давлат бюджетидан молиялаштирилиши унинг имкониятларини янада кенгайтириб, самарали фаолият олиб боришига хизмат қилди.

Партия Уставига мувофиқ партияни молиялаштириш манбалари ҳудудий партия ташкилотлари ҳисоб рақамларига келиб тушган аъзолик бадаллари, тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар, юридик шахслар ва фуқаролар томонидан бериладиган хайрия ёрдамлари, амалдаги қонунларга зид бўлмаган бошқа тушумлар ҳамда Давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан иборат.

2010 йил давомида партиянинг ҳисоб рақамларига жами 4 млрд. 551 млн. 400 минг сўм маблағ, шу жумладан, партиянинг Устав фаолиятини молиялаштириш учун давлат бюджетидан 3 млрд. 783 млн. 600 минг сўм, аъзолик бадалларидан 671 млн. 700 минг сўм, ҳомийлик ёрдамларидан 40 млн. 400 минг сўм, тадбиркорлик фаолиятидан тушган даромад ва амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқа тушумлар ҳисобидан 55 млн. 700 минг сўм келиб тушган.

Партиянинг 2010 йилдаги сарф-харажатлари жами 4 млрд 495 млн сўмни ташкил этди.

Жумладан, давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг 78 фоизи, яъни 2 млрд. 965 млн. сўм марказий ва ҳудудий ижро этувчи аппаратларнинг жорий харажатларини қоплашга, коммунал тўловлар ва эксплуатация харажатларига 88 млн. 300 минг сўм, партиявий тадбирларни ташкил этиш учун 158 млн. 900 минг сўм, оргтехника ва бошқа жиҳозлар харид қилишга 571 млн. 800 минг сўм сарфланди.

Аъзолик бадали тушуми, ҳомийлик ёрдами ва амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқа тушумлар ҳисобидан келиб тушган 767 млн. 900 минг сўмлик маблағнинг асосий қисми, яъни 45 фоизи ижроия аппаратларининг жорий харажатларини қоплашга, коммунал тўловлар ва эксплуатация харажатларига 51 млн. 100 минг сўм, партиявий тадбирлар ўтказиш, кўргазмали тарғибот воситалари ва полиграфия маҳсулотлари тайёрлашга 292 млн. 400 минг сўм, жиҳозлар харид қилишга 36 млн. 800 минг сўм ҳамда Устав фаолияти доирасидаги бошқа харажатларга 13 млн. 400 минг сўм сарфланди.

Партиянинг асосий воситалари 2011 йил 1 январь холатига харид қилинган ва хайрия ёрдами сифатида қабул қилинган маблағларни ҳисобга олган ҳолда жами 2 млрд. 300 млн. сўмни ташкил этади.

Партиянинг 2011 йилги бюджети жами 5млрд 948 млн сўмни ташкил қилиши кутилмоқда. Шундан, 5млрд 48 млн. сўм давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, 855,3 млн. сўм аъзолик бадаллари, 25 млн. сўм хайрия ёрдами маблағлари, 19,0 млн. сўм партиянинг тадбиркорлик фаолиятидан тушадиган даромадлари ва амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқа тушумлардир.

Партиянинг 2011 йилдаги бюджетининг асосий кўрсаткичлари қуйидагича тартибда молиялаштирилиши режалаштирилмоқда. Жумладан, барча бўғиндаги ижроия аппаратлари ходимларининг иш ҳақи, мукофот, моддий ёрдам, пенсия фондига боғлиқ харажатларга 72 фоиз, коммунал хизматлар, партия мулкини сақлаш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ харажатларга 6,0 фоиз, партиявий тадбирларни ўтказиш, шу жумладан, партия фаолларини ўқитиш, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказиш билан боғлиқ харажатларга 20,0 фоиз, асосий воситалар, жумладан, оргтехника, алоқа воситалари, мебель жиҳозлари, полиграфия ва канцелярия маҳсулотлари харид қилиш учун 1,7 фоиз, партиянинг Устав фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа харажатларга 0,3 фоиз.

Мажлисда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Хусусан, партия фаолиятини молиялаш манбалари тўғрисидаги ҳисоботни ваколатли органларга тақдим этиш ҳамда партиянинг 2011 йилги бюджети лойиҳасини тасдиқлаш масаласини O`zLiDeP Сиёсий Кенгашининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритиш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

2009 йилда 2100 дан зиёд, ўтган йили эса 3000 га яқин кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликларига хизмат кўрсатилди. Ана шу давр орасида мижозлар сони 900 нафарга кўпайди.

Айни бир пайтда мазкур аппарат ортиқча вазн тўпламаслик учун қандай овқатланиш лозимлиги ҳақида зарур кўрсатмалар ҳам бера олади.

# «Ўктамбанк» Ўрта қатлам ишончи мустаҳкамланмоқда

**АҲОЛИНИНГ БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ОМОНАТЛАРГА ЖАЛБ ЭТИШ, МИЖОЗЛАРГА ИПОТЕКА ВА МИКРОКРЕДИТЛАР АЖРАТИШ КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА**

**Мусурмон РЎЗИЕВ,**
«XXI ASR»



«Ўктамбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банки жамоаси ҳам ўз олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, хизмат сифати ва маданиятини оширишга ҳаракат қилмоқда. Шу боис йил сайин яхши натижаларга эришилаяпти. Дейлик, банк акцияларининг XII эмиссияси тўлиқ муомалага чиқарилиб, акциядорлар орасида жойлаштирилмоқда. Банкнинг умумий капитали 21 млрд. 652 млн. сўмни ёки 10 млн. еврони ташкил қилади. Аҳоли омонатлари миқдори эса 2 млрд. 900 млн. сўмдан ошди.

Таъкидлаш жоизки, банкнинг самарали фаолияти халқаро молиявий ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан, «AXBOR-REYTING» агентлиги томонидан унга «Барқарор» рейтинги берилган. Ҳозирда «Ўктамбанк»нинг Тошкент шаҳридаги бош офиси ва минибанки, шунингдек, Қашқадарё вилоят филиали томонидан мижозларга намунали хизматлар кўрсатилмоқда.

— Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган йили кичик бизнес субъектлари учун 16,8 млрд. сўм кредит ажратилди, — дейди банк бошқаруви раиси Азиз Умаров. — Шу ҳисобдан жойларда 155 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Айни пайтда кредит қўйилмалари қолдиғи 29 млрд. сўмни ташкил этаётир.

Дарҳақиқат, банкда иқтисодиётнинг устувор йўналиши ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, шу асосда хизмат кўлами кенгайтирилмоқда. Буни қуйидаги рақамлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

2009 йилда 2100 дан зиёд, ўтган йили эса 3000 га яқин кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликларига хизмат кўрсатилди. Ана шу давр орасида мижозлар сони 900 нафарга кўпайди.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига (2004 йил 25 май) биноан ўтган йили 111 млн. сўм миқдоридаги кредит маблағлари ушбу соҳага йўналтирилди. Натижада бир неча корхона молиявий аҳволини мустаҳкамлаб, ўнлаб иш ўринлари яратиш ва янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлди. Бугунги кунда хотин-қизлар раҳбарлик қилаётган 35 та хўжалик юритувчи субъект банкнинг доимий мижозларидир. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан ёш оилаларга ажратилган кредитлар миқдори 102 млн. сўмни ташкил этганини мамнуният билан қайд этиш лозим. Ҳозир банк кредитлари ҳисобига уйли-жойли бўлган ёки турли рўзғор буюмлари харид қилган оилалар кўпчиликни ташкил қилади.

Фақат шугина эмас. «Ўктамбанк» томонидан рақобатбардош, сифатли ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ички истеъмол бозорини улар билан янада бойитиш, янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида 830 млн. сўм кредит маблағлари ажратилгани ҳам эътиборга моликдир.

Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш борасида изчиллик билан иш олиб борилмоқда. Ушбу йўналишдаги тадбирларни фаоллаштириш, жисмоний шахслар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини ошириш, республикамиз молия бозорида пластик карточкаларга асосланган замонавий усулни кенг жорий этиш диққат марказидан жой олган. 2009 йилда муомаладаги банк пластик карточкаларининг умумий сони 4738 та, терминаллар сони 101 тани ташкил этган бўлса, ўтган йили пластик карточкаларнинг умумий миқдори 5789 тага етди.

Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш айни кундаги муҳим масалалардан биридир. Бу борада банк филиалларининг молиявий ёрдами катта бўлаяпти. Натижада ички ахборот оқимини самарали ташкил этиш ва оқилона бошқаришга эришилмоқда. Кейинги йилларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган “SMS-банкинг”, “Интернет-банкинг”, “Банк-мижоз” каби интерактив хизматлар тизимидан фойдаланиш даражаси бир неча марта ошганини алоҳида қайд этиш лозим.

Масалан, ўтган йил 1 июнь ҳолатига “Интернет-банкинг” ва “Банк-мижоз” тизимлари жорий қилинган корхоналар 70 тани ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 1 январига келиб уларнинг сони 100 тадан ошди.

Президентимизнинг “Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони (2008 йил 20 февраль) ижросини таъминлаш мақсадида “Ўктамбанк” аҳолига миллий валюта шаклида бир неча омонат турларини таклиф қилди. Жумладан, болалар 18 ёшга етгунга қадар йиллик капитализация ҳисоблаш шарти билан «Болалар — келажагимиз», ҳар ойда маблағ қўйиш имконияти билан 6 ойлик муддатли «Жамғарма», ойма-ой капитализация ҳисоблаш шарти билан 1 ойдан 6 ойгача муддатли «Комфорт» омонатлари ана шулар жумласидандир.

Юқоридагидек натижаларга осонликча эришилаётгани йўқ, албатта. Бунда жамоанинг ҳамжиҳатлиги ва фидокорона меҳнати мужассамдир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ўртага қўйилган вазифалар «Ўктамбанк» ОАТБ жамоаси зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклаши табиий. Молиявий муассаса ходимлари шундан келиб чиқиб, тадбиркор ва фермерларга намунали хизмат кўрсатишга, уларнинг ишончли мададкори бўлишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Учрашув

## Ёшлик шижоати

**Шухрат РАҲИМОВ,**
«XXI ASR»

**Юртимиз ёшларининг илм олишга бўлган интилиши, эгаллаган соҳалари бўйича шижоат кўрсатаётгани уларнинг бунёдкорлик руҳиятини акс эттиради. Навқирон авлоднинг дадил одимлари мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий равнақидаги фаол иштирокида яққол намоён бўлмоқда. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳамкорлигида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиёти» мавзуида ўтказилган тадбирда бу жиҳатлар алоҳида таъкидланди. Ёшларнинг кичик бизнесга бўлган қизиқишини янада орттириш, уларни тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш орқали ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мазкур учрашувнинг асосий мақсадини ташкил этди. — Ёшларда келажакда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, хусусий бизнесни ташкил этиш ва уни юритишда бу борадаги билим ва кўникмаларни шакллантириш жуда муҳим омил, — дея таъкидлади ўз маърузасида халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати, O`zLiDeP «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгаши раиси Абдуғани Қосимов. — O`zLiDePнинг сайловолди платформасида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, улар учун касбий ва ижодий имкониятлар яратиш устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олинган.**

## Эл эъзозлаган қизлар



**Гулноза ШАРОПОВА —**
Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг 2-курс талабаси:

— Биз шу кунларда Юртбошимизнинг Хотин-қизларга байрам табригида аёлларга билдирилган юксак ҳурмат-эҳтиром таассуроти билан яшамоқдамиз. Дарҳақиқат, миллат дунёқараши, маънавияти биринчи галда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи билан белгиланади. Аёлни ардоқлаган, унга меҳр кўрсатган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди. Зеро, аёллар доимо гўзаллик ва нафосат, меҳр-муҳаббат тимсоли бўлиб келганлар. Халқимиз азалдан онани азиз, муқаддас деб билган ва унинг қаршисида бош эгган.

Мустақиллик йилларида ҳақиқатан ҳам аёлларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш давлат сиёсатига айланди. «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Обод маҳалла йили», «Сиҳат-саломатлик йили», «Баркамол авлод йили» муносабати билан қабул қилинган давлат дастурларида ҳам аёллар манфаатини ҳимоя этиш, уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

**Нодира ДАДАМУҲАМЕДОВА —**
В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчиси:



— Президентимизнинг 1999 йилда эълон қилинган Фармонига мувофиқ Зулфия номидаги давлат мукофоти таъсис этилиб, адабиёт, санъат, фан ва таълим соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун кўплаб қизларимиз ушбу мукофот билан тақдирланаяптилар. Мен ҳам ана шу юксак мукофот совриндорлари сафида эканимдан бахтиёрман.

Бугун хотин-қизларимиз юртимиздаги оламшумул ўзгаришларда иштирок этибгина қолмай, ўз билимлари, салоҳиятлари билан кўп соҳаларда етакчи бўлишаяпти.

Ёшларнинг спортга бўлган қизиқишларини рағбатлантириш, соғлом муҳит яратиш, уларни спорт оламига етаклаш мақсадида уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинларининг ташкил этилиши ҳам жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда. Бу катта спорт мусобақаларида қизларимиз фаол иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритаётганлари ҳам жуда қувонарлидир.



**Гулноза СУЛАЙМОНОВА —**
O`zLiDeP «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгаши етакчи мутахассиси.

— Ҳозир аёлларимизнинг иқтисодиёт, сиёсат ва бошқа етакчи соҳалардаги иштироки, давлат бошқарувидаги ўрни ҳам тобора юксалиб бормоқда. Улар орасида депутатлар, сенаторлар, давлат бошқаруви органлари ходимлари бор. Ўзбек хотин-қизлари фан, адабиёт, санъат, таълим каби соҳалар билан бирга фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, тиббиёт каби ўнлаб соҳаларда ҳам етакчи ўринларни эгалламоқдалар. Бизнес учун қулай муҳит яратиш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, истеъдодини тўлиқ рўёбга чиқариш каби масалалар давлат сиёсати даражасида ҳал этилаяпти.

Хотин-қизларнинг иқтисодиётимизга қўшаётган ҳиссасини кўпайтириш мақсадида юртимизда деҳқон хўжалигини ривожлантириш, паррандачилик, чорвачилик ва аёлларга хос бўлган касаначиликни ривожлантиришга кенг эътибор қаратилган.

Аёллар меҳрида оилани, Ватанни ардоқлашида пок орзу-умидлар, юртпарварлик, садоқат мужассам. Мен уларнинг таъриф ва тавсифини сўз билан ифодалашга ожизман.

## Телефон-«диетолог»



Япония олимлари ортиқча вазндан қутулишни хоҳловчилар учун қўл телефони ихтиро қилишди. Телефон эгаси ликопчадаги овқатни суратга олса, кифоя, унга ўрнатилган митти компьютер ушбу овқатнинг калориясини ҳисоблаб чиқади ва тегишли маслаҳатларни беради. Маълум бўлишича, телефон хотирасига 100 минг хил овқатнинг калорияси ҳақидаги маълумотлар жойланган. Таом тўғрисидаги маълумотларни телефон ўз хотирасидан излаб топади ва экранга узатади. Айни бир пайтда мазкур аппарат ортиқча вазн тўпламаслик учун қандай овқатланиш лозимлиги ҳақида зарур кўрсатмалар ҳам бера олади.

Qishloq Qurilish Bank

## Кичик бизнесга катта йўл

**МАМЛАКАТИМИЗДАГИ НУФУЗЛИ МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДАН БИРИ — «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» ҲОЗИРГИ ПАЙТДА ТУРЛИ МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАГИ 35 МИНГДАН ЗИЁД КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ, ТАДБИРКОРЛАР, ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИБ КЕЛМОҚДА**

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI ASR»

Таъкидлаш жоиз: банк мижозларининг 22 мингдан зиёдини юридик мақомга эга бўлган, 11 мингга яқинини юридик мақомга эга бўлмаган мижозлар ташкил этади.

Банк фаолиятини самарали йўлга қўйиш мижозлар сонининг йил сайин ошишига хизмат қилаётир. Жумладан, ўтган йили кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган кредитлар миқдори 27,6 млрд. сўмга етди. Ушбу маблағлар қишлоқ жойларда чорвачилик ва паррандачилик хўжаликлари ташкил этиш, мева-сабзовот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича минитехнологиялар ва асбоб-ускуналар харид қилишда жуда қўл келаётир. Энг муҳими, қисқа давр ичида жойларда 3634 та янги иш ўрни яратилди.

«Қишлоқ қурилиш банк» нафақат янги иш бошламоқчи бўлган мижозлар, балки ўз фаолиятини кенгайтириш истагидаги тадбиркорларнинг таклифларига ҳам бефарқ эмас. Бу эса эл-юрт манфаати йўлида изчил иш олиб борилаётганидан далолатдир. Ўтган йили ташаббус билан чиққан, яъни ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган мижозларга ажратилган кредитлар миқдори 21,2 млрд. сўмни ташкил этди ёки 44,4 фоиз ошди. Натижада 2611 та кичик бизнес ва тадбиркорлик субъекти мустақил иш бошлаш ҳамда ўз фаолиятини ривожлантириш имкониятига эга бўлди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг эркин тадбиркорлик фаолияти юритишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Бу, шубҳасиз, ўз самарасини бераяпти. Айни кунда 2933 та хўжалик субъектининг раҳбар аёллари “Қишлоқ қурилиш банк”нинг хизматидан баҳраманд. Уларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Ўтган йили банк томонидан 553 нафар хотин-қизга 13 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Тадбиркор аёллар бошчилигидаги корхоналарга йўналтирилган кредитлар қолдиғи 16,1 млрд. сўмни ташкил қилди. Бошқача айтганда, ўтган йилнинг айни давридагига нисбатан 50 фоиз ўсишга эришилди. Жорий йилда банк томонидан “Энг яхши бизнес-режа”, “Энг яхши инновацион лойиҳа”, “Энг яхши тадбиркор аёл”, “Энг яхши ёш тадбиркор” ҳамда “Энг яхши инвестицион лойиҳа” каби номинациялар бўйича танлов эълон қилинган бўлиб, ғолиблар имтиёзли шартлар асосида кредит олиш имкониятини қўлга киритадилар.

Бир сўз билан айтганда, банк жамоаси иқтисодиётнинг реал секторига жиддий эътибор қаратиб, кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун барча чораларни кўрмоқда. Бу эса пировардида ўзининг амалий самараларини бериши шак-шубҳасиз.

## Учинчи секторга эътибор

**Асхор ИСТАМОВ,** «XXI ASR»

Айни пайтда Бухоро вилоятида 291 та нодавлат нотижорат ташкилот бўлиб, уларнинг 244 таси жамоат бирлашмаси, 40 таси жамоат фонди ҳисобланади.

Вилоят Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун» жамғармалари томонидан 2010 йилда жами 1102 та турли акция ва тадбирлар ўтказилгани ва шу тариқа ёлғиз пенсионерлар, ногирон болалар, боқувчисини йўқотганларни ижтимоий ва маънавий қўллаб-қувватлашга эришилгани эса ННТларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этаётганини кўрсатади.

Кейинги икки йилда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари сессиялари ва уларнинг доимий комиссиялари мажлисларида айнан жамоат бирлашмалари фаолиятини кучайтириш билан боғлиқ 40 дан ортиқ масаланинг муҳокама қилингани эса вилоятда соҳа фаолиятини янада ривожлантириш имконини бермоқда.

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шухрат НОРГИТОВ, Шухрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.

ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асхор ИСТАМОВ, Тоҳир МАЛИК, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шухрат ОХУНЖОНОВ.

БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ
МАТН ТЕРУВЧИ: Нигора ЖЎРАЕВА
БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17, Партия турмуши — 254-67-78, Парламент фаолияти — 255-43-57 Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар — 255-64-80, Иқтисодиёт, тадбиркорлик ва фермерлик фаолияти — 255-68-50, Халқаро ҳаёт — 254-91-06, Ёшлар ва аёллар масалалари — 255-68-50, Реклама дирекцияси — 215-60-45, Факс: 215-63-80
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.
ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com XXI_ASR@yahoo.com.
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Навоий» кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 11 январда 009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 1283
Тираж: 19 053

Навбатчилар:
Т.МИРҲОДИЕВ,
Ш.РАҲИМОВ.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406


БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ
барча опа-сингилларимизни
8 март — Хотин-қизлар халқаро куни ҳамда кириб келаётган Наврўз
билан самимий муборакбод этади.
Сиз борсизки, олам мунаввар, меҳридарё опа-сингиллар!
IQTIDORLI BOLALAR
8-MAKTAB INTERNATI
XUSH KELIBSIZ!

## Қутлов


# «ШЎРТАННЕФТГАЗ»

### унитар шўъба корхонаси жамоаси

мухтарам онахонлар
ва опа-сингилларимизни
баҳорий айём —

## 8 Март байрами ҳамда яқинлашиб келаётган Наврўз

билан самимий
муборакбод
этади.



*Жамиятимизнинг турли жабҳаларида ўзининг фидойилиги билан ўрнак бўлаётган қадрли аёллар, ушбу айём кезларида ўйлаган барча орзу-истакларингиз рўёбга чиқсин!*









136/Н

«XXI ASR»
2011 йил 10 март,
пайшанба
10 (382)-сон

# «ШЎРТАНГАЗКИМЁ» МАЖМУАСИ ЖАМОАСИ

Меҳридарё онахонлар,
шижоатли ва ташаббускор
опа-сингилларимизни

**Хотин-қизлар
байрами ҳамда
кириб келаётган янги
кун — Наврўз**

билан чин дилдан
қутлайди.



Сизларни баҳорий
гўзаллик, хуш кайфият ҳеч
қачон тарк этмасин!





Оилавий бахт,
сиҳат-саломатлик ҳамиша
ҳамроҳингиз
бўлсин, азиз аёллар!

137/11

# Уч поғона юқориладик

**ДЭВИС КУБОГИНИНГ САРАЛАШ БАХСИ ДОИРАСИДА ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯЛИК ТЕННИСЧИЛАРНИ 3:2 ҲИСОБИДА МАҒЛУБ ЭТГАН ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ МАЗКУР МУСОБАҚА РЕЙТИНГИДАГИ КЎРСАТКИЧИНИ УЧ ПОҒОНАГА ЯХШИЛАБ, 21-ЎРИНГА КЎТАРИЛИБ ОЛДИ**



Аҳамиятли томони шундаки, вакилларимиз норасмий жаҳон чемпионати мақомига эга бўлган Дэвис Кубоги квалификацион баҳсларидаги дастлабки ғалабаларини муддатидан аввал қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Наманган шаҳрида ўтказилган беллашувларда жаҳоннинг 54-ракеткаси Денис Истомин ҳамда Фаррух Дўстов (284-ракетка) яккалик ва жуфтлик баҳсларида рақиблaридан устун келиб, умумий ҳисобнинг 3:0 га етишини таъминладилар. Шундан сўнг терма жамоамиз мураббийлари нисбатан ёш вакилларимиз — Мурод Иноятов (482) ва Важа Узоқовга (952) халқаро майдонда тажриба тўплаш имкониятини яратиб бердилар. Охир-оқибат биринчи синов теннисчиларимиз фойдасига 3:2 ҳисобида якунланди.

Энди ҳамюртларимиз Осиё-Океания минтақасининг 8-11 июль кунлари бўлиб ўтадиган иккинчи босқичида Япония терма жамоаси билан беллашадилар. Таъкидлаш жоиз: биринчи раундда филиппинлик теннисчиларни 3:1 ҳисобида доғда қолдирган Кунчиқар юрт вакиллари айни пайтда рейтингнинг 28-поғонасини эгаллаб турибдилар. Япония-Ўзбекистон жуфтлиги ғолиби ўз навбатида Австралия-Хитой қарама-қаршилигида зафар қучган жамоа билан ўзаро куч синашади. Сентябрда бўлиб ўтадиган айнан ана шу ҳал қилувчи беллашувда Дэвис Кубогининг жаҳон гуруҳида иштирок этадиган жамоанинг номига аниқлик киритилади.



















Кучли қуйи бўғиндан — кучли партияга • «XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетасининг махсус иловаси

# Бошланғич партия ташкилотларида

11 (383)-СОН | 2011 йил 17 март, **пайшанба** | **e-mail:** axborotXXIasr@yahoo.com

**Интилиш**

## Сиёсий фаоллик либералларни олға ундамоқда

**ТАЛИМАРЖОН ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ УНИТАР КОРХОНАСИДА O'ZLIDEP БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИГА АСОС СОЛИНГАНДАН СЎНГ КЎПЧИЛИКНИ ЎЙЛАНТИРИБ КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАР БАРҲАМ ТОПА БОШЛАДИ**

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI ASR»

Мана, бир мисол. Корхона қошидаги маданият саройи ташландиқ ҳолатга келиб қолган эди. Фаоллар ташаббуси билан мазкур бино қайта таъмирланиб, «Бошланғич партия ташкилоти клуби»га айлантирилди. Айни кунда ушбу гўша O`zLiDeP фаоллари билан гавжум.

Корхонада 200 нафар партия аъзоси бўлиб, бошланғич ташкилот томонидан амалга оширилган ишлар ҳар бир йиғилишда атрофлича сарҳисоб қилинади. Яқинда «Ёшлар иқтидори ва салоҳиятини ишлаб чиқариш жараёнига кенг жалб қилиш тармоқ ривожида муҳим омилдир» мавзуидаги давра суҳбати ташкил этилди. Сўзга чиққанлар Нишон туманида кичик бизнес субъектлари орқали маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ёшлар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, иқтисодий билимларини ошириш хусусида фикр юритдилар.

Тадбирда «Нефтгаз ва энергетика» коллежи талабалари корхона қошида тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирилди. БПТ фаоллари, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларини битираётган ёшларни тадбиркорлик соҳасига йўналтириш орқали уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашишмоқда. Корхона қошидаги ёрдамчи хўжаликда юзга яқин ёшларнинг иш билан таъминланганлиги бунинг исботидир.

— Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» номли маърузасида баён қилинган устувор ғояларни ўрганиш ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишга жиддий эътибор қаратаяпмиз, — дейди O`zLiDeP бошланғич партия ташкилоти раиси Алишер Элмўминов. — Бу, шубҳасиз, партия фаолларидан алоҳида масъулият талаб қилади. Шу боис сафларимизни ўз эътиқодига содиқ, ён-атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндаша оладиган, ҳар жиҳатдан етук ва баркамол кишилар ҳисобига тўлдиришга ҳаракат қилаяпмиз.

Нуристон шаҳарчасида 12 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Уларнинг аксарияти Талимаржон иссиқлик электр станциясининг ишчи-хизматчиларидир.

Бошланғич ташкилот йиғилишида ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш масаласига алоҳида урғу берилди. Зеро, партия аъзоларининг катта қисми навқирон йигит-қизлар ҳисобланади.

— Мамлакатимиз саноати ва аҳолисининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондиришга муносиб ҳисса қўшиш олдимизда турган асосий вазифалардан биридир, — дейди халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Бахтиёр Шарипов. — Сиёсий фаоллик ишчи-хизматчиларимизни янги-янги меҳнат зафарлари сари ундаяпти. Уларни қишин-ёзин қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлайдиган ёрдамчи хўжалик барпо этишга эришдик. Чўлнинг қоқ ўртасида деҳқончилик қилишимизга кўпчилик ишонмаган эди. Бизга 1100 гектар ер майдони ажратилди. Ҳозиргача шундан 700 гектарини ўзлаштирдик. 400 гектар яйловимиз бор. 500 гектар майдонда ғалла етиштирилади. Шартномадан ортиқча маҳсулотлар ишчи-хизматчиларга арзон баҳода сотилаяпти.

Бир сўз билан айтганда, партия фаоллари ижтимоий муаммоларни ҳал этишга жиддий эътибор қаратиб, эл-юртнинг дуосини олмоқдалар. Зеро, эзгулик ва яхшилик асло ерда қолмайди. Бошланғич партия ташкилоти ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, саломатликларини мустаҳкамлаш, меҳнат шароитларини янада яхшилаш йўлида яқин кўмакчи вазифасини ўтаётир. Аҳиллик ва ҳамжиҳатлик бўлган жойда ғоявий-сиёсий, ташкилий-партиявий ишлар янги мазмун касб этиб, меҳнат ютуқлари янада кўпайиши шаксубҳасиз.





**XXI asr** хат қутисидан

## Танқиддан тегишли хулоса чиқарилди

**«XXI ASR» ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИНИНГ 2011 ЙИЛ 20 ЯНВАРЬ СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН «ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛАДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ПИСКЕНТ ТУМАНИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТИГА ТАНҚИДИЙ НУҚТАИ НАЗАРДАН МУНОСАБАТ БИЛДИРИЛГАН ЭДИ**

Мазкур ҳолат юзасидан O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши раиси О.Исломов имзоси билан жавоб хати олдик. Унда, жумладан, шундай дейилади.

O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши мазкур мақолада кўрсатиб ўтилган камчилик ва хатоларни атрофлича ўрганиб чиқди. Таъкидлаш жоизки, мақолада ҳақиқатан ҳам долзарб масалаларга муносабат билдирилган. Ана шуни ҳисобга олиб, партия кенгаши вилоятда, айниқса, Пискент туманида партиявий ишларни жонлантириш, депутатлик гуруҳлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга кўмаклашиш ва келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш мақсадида жорий йилнинг 28 январь куни Пискент туманида депутатлик гуруҳлари билан биргаликда вилоят кенгашининг кенгайтирилган қўшма мажлисини ўтказди.

Унда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари, вилоят партия кенгаши аъзолари, партия масъул ходимлари ҳамда Пискент туманидаги бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этдилар.

Мажлис иштирокчилари мақолада келтирилган масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, Пискент туманидаги партия депутатлик гуруҳи фаолиятининг сустлиги, бошланғич партия ташкилотлари талаб даражасида фаолият юритмаётгани, маҳаллий дастурлар ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш борасида камчиликлар борлигини қайд этдилар.

10 »

**Сарҳисоб**

### ВАЗИФАСИГА ҚАЙТА САЙЛАНДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги Халқ банки бўлими бошланғич партия ташкилотида ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишида БПТнинг ўтган йилдаги фаолияти таҳлил қилиниб, навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

O`zLiDeP Кегейли туман кенгашида ҳозирги кунда 25 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатиб, партиянинг дастурий мақсад ва ғояларини ўз аъзолари орасида тарғиб қилиб келмоқда.

Халқ банкининг Кегейли туман бўлимида бошланғич партия ташкилоти 2005 йилда ташкил этилган бўлиб, ўтган йиллардаги фаолияти мобайнида O`zLiDePнинг партиявий кўрсатмалари асосида фаолият юритиб келмоқда.

O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш гуруҳи раҳбари С.Кудайбергеновнинг таъкидлашича, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги бугунги ўзгаришлар партиянинг барча тузилмалари ўз фаолиятини қайта кўриб чиқишни талаб этаяпти. Ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказишдан асосий мақсад ҳам БПТлар ишини таҳлил қилиш орқали уларни давр талабига уйғунлаштиришдир.

Йиғилишда Халқ банк бўлими бошланғич партия ташкилоти раисининг ўтган йил давомида олиб борган ишлари қониқарли деб топилди ва ўз вазифасига қайта сайланди.

## Концепция ғоялари кенг ўқиб-ўрганилмоқда

**МАЪЛУМКИ, ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ» НОМЛИ МАЪРУЗАСИДА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА КЕЧАЁТГАН ЖАРАЁНЛАР АТРОФЛИЧА ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БОСИБ ЎТИЛГАН МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛ, ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШ ҲАМДА ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАРГА ТЕГИШЛИ БАҲО БЕРИЛДИ. АЙНИ ПАЙТДА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ИЗЧИЛЛИК БИЛАН АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ. БУ БОРАДА, ШУБҲАСИЗ, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ ҲИСОБЛАНГАН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКИ АЛОҲИДА АҲАМИЯТГА ЭГАДИР**

**Хўш, бугун сиёсий партиялар Концепцияда илгари сурилган устувор вазифаларни амалга оширишга тайёрмилар? Улар ўз олдиларига қўйилаётган масъулиятни қай даражада англаб етаяптилар? Шу кунларда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарори асосида жойларда ўтказилаётган бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида юқоридаги каби саволлар ўртага қўйилиб, партиявий-сиёсий ишларни йўлга қўйишнинг аниқ режалари белгилаб олинмоқда.**

**Айни пайтда O`zLiDePнинг қуйи бўғинлари 7556 та бошланғич ташкилотдан иборат бўлиб, улар фаолиятида асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида партия сиёсатини кенг тарғиб қилиш, шу орқали электорат вакилларини ўйлантираётган масалаларни ўрганишга қаратилмоқда. Ҳозиргача ўтказилган 6 900 дан зиёд ҳисобот-сайлов йиғилишларида асосий эътибор Концепцияда кўзда тутилган ғояларни ҳаётга татбиқ этиш, жамият ҳаётидаги демократик жараёнларни чуқурлаштириш борасида бошланғич партия ташкилотлари олдида турган долзарб вазифаларга қаратилмоқда.**

**Ҳисобот**-сайлов йиғилиши

## Банк партия фаолларига таянмоқда

**ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИНИНГ III МАЖЛИСИДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ МАҚСАДИДА АЙНИ КУНДА ЖОЙЛАРДА БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА**

O`zLiDeP Урганч туман кенгашининг «Микрокредитбанк» бошланғич партия ташкилотида ўтказилган тадбирида ҳам ана шу масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Анжуманда таъкидланганидек, Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик-тижорат банкини ҳам мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, халқ фаровонлигини оширишга йўналтирилган ишларни янада кучайтиришга ундади. Унинг O`zLiDeP вилоят ва туман кенгашлари билан ҳамкорлиги эса тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлашга туртки бермоқда. Президентимизнинг "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан ўтган йилда кичик бизнес соҳасига кўрсатилган микромолиявий хизматлар кўлами янада кенгайтирилди.

— Бугун бошланғич партия ташкилотимизга 19 нафар ходим аъзо бўлиб кирган, — деди БПТ раиси Н.Бойжанова. — Айни кундаги фаолиятимизни O`zLiDeP дастури ва Сайловолди платформасида назарда тутилган мақсад ва вазифалар асосида ташкил этаяпмиз. БПТ банк қошида тузилгани учун ҳам электоратимиз вакилларига амалий кўмак беришга астойдил ҳаракат қилаяпмиз. Хусусан, жойлардаги тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган микромолиявий хизмат турлари тўғрисида доимий равишда семинарлар ташкил этиб, уларни бу борадаги зарур ахборотлар билан таъминлаб келаяпмиз.

Тадбирда тадбиркорлик субъектларига микролизинг хизматлари кўрсатиш, айниқса, қишлоқ жойларга кичик ҳажмдаги минитехнологияларни етказиб беришни назарда тутувчи хизмат турларини кўпайтириш, микросармояларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтириш орқали оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда мазкур БПТнинг жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган иш режаси тасдиқланди.

XXI ASR
ижтимоий-сиёсий газетаси

2011 йилга
обуна давом этмоқда



Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80

# Ишчанлик ва уюшқоқлик руҳида

**БУГУНГИ КУНДА БУХОРО ШАҲРИДА O'ZLIDEPНИНГ 45 ТА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ БЎЛИБ, УЛАР ЎЗ АТРОФИГА 1182 НАФАР ПАРТИЯ АЪЗОСИНИ БИРЛАШТИРГАН**

**Асхор ИСТАМОВ,**
«XXI ASR»

«Бухородон», «Бухоротурист» акциядорлик жамиятлари, Бухоро давлат университети, Озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, шаҳар тиббиёт бирлашмаси, «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими, «Тадбиркор аёл» уюшмаси, шунингдек, «Ширбудин» қишлоқ фуқаролар йиғинида фаолият олиб бораётган қуйи бўғинларда сиёсий-тарбиявий, маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, партиянинг дастурий вазифалари, ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилишда муайян натижаларга эришилмоқда.

Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Саломатлик маскани» шифохонаси қошида ташкил этилган БПТда 25 нафар аъзо фаоллиги туфайли хорижий корхоналар билан тиббий хизматлар бўйича шартномалар тузиш, бунинг натижасида янги иш ўринлари яратишга алоҳида аҳамият берилаяпти. Масалан, «Азиятрансгаз» Ўзбек-Хитой қўшма корхонаси томонидан тиббий хизмат бўйича эълон қилинган тендерда «Саломатлик маскани» шифохонаси жамоаси муваффақиятли қатнашгани фикримиз далилидир.

Бу ерда 20 дан ортиқ қўли енгил шифокорлар, 10 дан зиёд ўрта тиббиёт ходимлари аҳоли хизматида. Бир кеча-кундузда 50-60 нафарга яқин кишига малакали тиббий хизмат кўрсатилаётгани эътиборга сазовор. Бу ишларнинг барчасида бошланғич партия ташкилоти атрофига уюшган Шерқул Мавлонов, Мавлуда Фатуллаева, Муборак Шукурова, Толиб Самадов сингари фаоллар кўпчиликка намуна бўлмоқда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор, O`zLiDeP аъзоси, халқ депутатлари Бухоро шаҳар кенгаши депутати Жонибек Матниёзов раҳбарлигидаги «Саломатлик маскани» шифохонаси жамоаси томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган кишиларга беғараз моддий ёрдам кўрсатилаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Бошқача қилиб айтганда, мазкур шифохонада партия фаолларининг саъй-ҳаракати билан бир қатор ишлар амалга оширилаяптики, бу O`zLiDeP Дастури ва Сайловолди платформасига тўлиқ мос келади.

Шифохонанинг бошланғич партия ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишида ана шулар хусусида сўз юритилди. Йиғилишда Рустам Рўзиев БПТ раиси этиб сайланди.

## **Бизга** жавоб йўллайдилар

# Танқиддан тегишли хулоса чиқарилди

Давоми. Бошланиши 9-саҳифада◄◄

Шунингдек, мақолада бошланғич партия ташкилотлари аъзоларининг сиёсий ўқувлардаги иштироки суст экани келтириб ўтилди. Бу камчилик асосли, албатта. Бошланғич партия ташкилотларини сиёсий ўқувларга доимий равишда тўлиқ жалб этиб боришда маълум камчиликларга йўл қўйилган. Бироқ мақолада вилоят ва туман кенгашлари қошидаги сиёсий таълим марказлари томонидан бошланғич партия ташкилотлари учун сиёсий ўқувлар ташкил этиш етарли даражада эмаслиги тўғрисидаги фикрга қўшилиб бўлмайди. Чунки Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ташкилий тузилмасига кўра Сиёсий таълим маркази фақат вилоятлар кенгашлари қошидагина ташкил этилган. Туман кенгашларида эса бундай марказ фаолияти йўлга қўйилмаган. Шу боис марказнинг тумандардаги бошланғич партия ташкилотлари учун сиёсий ўқувлар ташкил этиш имконияти чекланган. Сиёсий таълим маркази эса O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг фармойиши билангина сиёсий ўқувлар ташкил этади, холос. Масалан, 2010 йилда Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасининг 3 та фармойиши қабул қилинган ва шунга асосан Тошкент вилоят кенгаши қошидаги Сиёсий таълим маркази бошланғич партия ташкилотлари аъзолари учун 3 маротаба сиёсий ўқишлар ташкил этган. Уларда 4009 нафар партия аъзолари қатнашган.

Бир сўз билан айтганда, мақолада келтирилган масалалар вилоятдаги барча партия кенгашларида атрофлича муҳокама этилиб, кўрсатилган камчиликларга йўл қўймаслик ва уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

## **«Нурobod»** шифохонасида

# Ходимларнинг 50 фоизи — БПТ аъзоси

**АНГРЕНДА ҲАМ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА**

**Шухрат РАҲИМОВ,**
«XXI ASR»

Ҳозирги кунда Ангрен шаҳар кенгашида 20 та бошланғич партия ташкилоти бўлиб, уларга 1150 нафар аъзо бирлашган. Ҳисобот-сайлов даврида партия аъзоларининг сонини яна 100 нафарга ошириш режалаштирилган. Ҳудуддаги намунавий бошланғич ташкилотлардан бири «Нурobod» шифохонасида фаолият юритади.

Мазкур шифохона «Нурobod» қўрғони, «Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси» ишчи-ходимлари ҳамда ён-атрофдаги қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатади. Бу ерда даволаниш ва тиббий кўрикдан ўтиш учун клиник лаборатория, флюрография ва рентген хоналари, доривор ўсимликлар билан даволашга мўлжалланган фитобар фаолият кўрсатмоқда. Тиббиёт масканидаги 93 нафар ходимнинг 50 фоиздан кўпроғи O`zLiDeP аъзоси ҳисобланади.

— Инсонларнинг соғлиғини сақлашдек масъулиятли соҳада O`zLiDeP сафдошлари кўпайиб бораётгани бизга янада ишонч бағишлайди, — дейди «Нурobod» шифохонаси бош шифокори ва БПТ раиси Инобат Эгамбердиева.

Ўтган давр мобайнида ушбу БПТ фаоллари томонидан соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантириш бўйича маҳалла, мактаб ва коллежларда кўплаб давра суҳбатлари, турли учрашувлар ўтказилди.

Бундан кўзланган асосий мақсад аҳолини, айниқса, аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ва юрт келажаги бўлган баркамол авлодни вояга етказишга ҳисса қўшишдир.

# «Dimax Metall Servis» ташаббускорлар сафида

**ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ КИЧИК ҲАЛҚА ЙЎЛИ ОРҚАЛИ ЮРСАНГИЗ, ЁН ТОМОНДАГИ ЗАМОНАВИЙ ВА КЎРКАМ САВДО МАЖМУАСИГА КЎЗИНГИЗ ТУШАДИ. ЎЗИГА ХОС ЛОЙИҲА АСОСИДА БУНЁД ЭТИЛГАН МАЗКУР МАЖМУА БИР ПАЙТЛАР СОМОН БОЗОРИ, ДЕБ АТАЛАРДИ. КЕЙИНЧАЛИК БУ ЕРДА «DIMAX METALL SERVIS» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ТАШКИЛ ЭТИЛИБ, ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САВДОСИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ**



**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI ASR»

Айни кунда жамоада меҳнат қилаётган 39 нафар ходимнинг 16 нафари O`zLiDeP аъзосидир. Уларнинг саъй-ҳаракати билан бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, БПТ атрофига уюшган фаоллар ҳар соҳада ўрнак, ташаббускор. Яқинда республикамиздаги бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш ускуналари, транспорт ва бошқа техник воситаларнинг доимий ярмаркаси ташкил этилди.

— Ярмарка давомида 8 нафар тадбиркор ўз эҳтиёжларини қондириш учун тегишли миқдорда микрокредит олиш имкониятига эга бўлди, — дейди «Dimax Metall Servis»нинг етакчи мутахассиси, O`zLiDeP аъзоси Муродил Жўраев. — Эътиборлиси, Фазлиддин Муҳаммеджонов, Суннат Ортиқов сингари ходимларимиз ўз хизмат бурчларига сидқидилдан ёндашиш билан бирга партиявий топшириқларни ҳам бекаму кўст адо этмоқдалар.

— Бизнес-савдо мажмуини барпо этиш ғоясининг негизида нафақат қурилиш моллари бозорини йўлга қўйиш, балки ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолини иш билан банд этиш масаласи ҳам ётади, — дейди БПТ фаоли Адиба Жабборова. — Ўтган йилнинг ўзида 300 га янги иш ўрни яратилганлиги фикримиз далилидир. Фақат шугина эмас. Яқин орада «Dimax Metall Servis» МЧЖ мутасаддилари ва партия фаоллари саъй-ҳаракати билан бизнес маркази ташкил этиш режалаштирилган.

Бунинг натижасида бизнес-консалтинг, аудит, лизинг, менежмент, маркетинг хизматларини йўлга қўйиш, бизнес фаолиятига оид тренинглар, мастер-класс ҳамда семинарлар, бизнес-форумлар уюштириш имконияти туғилади.

## Кутлов



2011 йил 17 март, пайшанба,
e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_asr@yahoo.com

# Ишчанлик ва уюшқоқлик руҳида

**БУГУНГИ КУНДА БУХОРО ШАҲРИДА O'ZLIDEPНИНГ 45 ТА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ БЎЛИБ, УЛАР ЎЗ АТРОФИГА 1182 НАФАР ПАРТИЯ АЪЗОСИНИ БИРЛАШТИРГАН**

**Асхор ИСТАМОВ,**
«XXI ASR»

«Бухородон», «Бухоротурист» акциядорлик жамиятлари, Бухоро давлат университети, Озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, шаҳар тиббиёт бирлашмаси, «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими, «Тадбиркор аёл» уюшмаси, шунингдек, «Ширбудин» қишлоқ фуқаролар йиғинида фаолият олиб бораётган қуйи бўғинларда сиёсий-тарбиявий, маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, партиянинг дастурий вазифалари, ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилишда муайян натижаларга эришилмоқда.

Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Саломатлик маскани» шифохонаси қошида ташкил этилган БПТда 25 нафар аъзо фаоллиги туфайли хорижий корхоналар билан тиббий хизматлар бўйича шартномалар тузиш, бунинг натижасида янги иш ўринлари яратишга алоҳида аҳамият берилаяпти. Масалан, «Азиятрансгаз» Ўзбек-Хитой қўшма корхонаси томонидан тиббий хизмат бўйича эълон қилинган тендерда «Саломатлик маскани» шифохонаси жамоаси муваффақиятли қатнашгани фикримиз далилидир.

Бу ерда 20 дан ортиқ қўли енгил шифокорлар, 10 дан зиёд ўрта тиббиёт ходимлари аҳоли хизматида. Бир кеча-кундузда 50-60 нафарга яқин кишига малакали тиббий хизмат кўрсатилаётгани эътиборга сазовор. Бу ишларнинг барчасида бошланғич партия ташкилоти атрофига уюшган Шерқул Мавлонов, Мавлуда Фатуллаева, Муборак Шукурова, Толиб Самадов сингари фаоллар кўпчиликка намуна бўлмоқда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор, O`zLiDeP аъзоси, халқ депутатлари Бухоро шаҳар кенгаши депутати Жонибек Матниёзов раҳбарлигидаги «Саломатлик маскани» шифохонаси жамоаси томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган кишиларга беғараз моддий ёрдам кўрсатилаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Бошқача қилиб айтганда, мазкур шифохонада партия фаолларининг саъй-ҳаракати билан бир қатор ишлар амалга оширилаяптики, бу O`zLiDeP Дастури ва Сайловолди платформасига тўлиқ мос келади.

Шифохонанинг бошланғич партия ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишида ана шулар хусусида сўз юритилди. Йиғилишда Рустам Рўзиев БПТ раиси этиб сайланди.

**Бизга** жавоб йўллайдилар

# Танқиддан тегишли хулоса чиқарилди

Давоми. Бошланиши 9-саҳифада ◄◄

Шунингдек, мақолада бошланғич партия ташкилотлари аъзоларининг сиёсий ўқувлардаги иштироки суст экани келтириб ўтилди. Бу камчилик асосли, албатта. Бошланғич партия ташкилотларини сиёсий ўқувларга доимий равишда тўлиқ жалб этиб боришда маълум камчиликларга йўл қўйилган. Бироқ мақолада вилоят ва туман кенгашлари қошидаги сиёсий таълим марказлари томонидан бошланғич партия ташкилотлари учун сиёсий ўқувлар ташкил этиш етарли даражада эмаслиги тўғрисидаги фикрга қўшилиб бўлмайди. Чунки Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ташкилий тузилмасига кўра Сиёсий таълим маркази фақат вилоятлар кенгашлари қошидагина ташкил этилган. Туман кенгашларида эса бундай марказ фаолияти йўлга қўйилмаган. Шу боис марказнинг тумандардаги бошланғич партия ташкилотлари учун сиёсий ўқувлар ташкил этиш имконияти чекланган. Сиёсий таълим маркази эса O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг фармойиши билангина сиёсий ўқувлар ташкил этади, холос. Масалан, 2010 йилда Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасининг 3 та фармойиши қабул қилинган ва шунга асосан Тошкент вилоят кенгаши қошидаги Сиёсий таълим маркази бошланғич партия ташкилотлари аъзолари учун 3 маротаба сиёсий ўқишлар ташкил этган. Уларда 4009 нафар партия аъзолари қатнашган.

Бир сўз билан айтганда, мақолада келтирилган масалалар вилоятдаги барча партия кенгашларида атрофлича муҳокама этилиб, кўрсатилган камчиликларга йўл қўймаслик ва уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**«Нуробод»** шифохонасида

# Ходимларнинг 50 фоизи — БПТ аъзоси

**АНГРЕНДА ҲАМ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА**

**Шухрат РАҲИМОВ,**
«XXI ASR»

Ҳозирги кунда Ангрен шаҳар кенгашида 20 та бошланғич партия ташкилоти бўлиб, уларга 1150 нафар аъзо бирлашган. Ҳисобот-сайлов даврида партия аъзоларининг сонини яна 100 нафарга ошириш режалаштирилган. Ҳудуддаги намунавий бошланғич ташкилотлардан бири «Нуробод» шифохонасида фаолият юритади.

Мазкур шифохона «Нуробод» қўрғони, «Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси» ишчи-ходимлари ҳамда ён-атрофдаги қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатади. Бу ерда даволаниш ва тиббий кўрикдан ўтиш учун клиник лаборатория, флюрография ва рентген хоналари, доривор ўсимликлар билан даволашга мўлжалланган фитобар фаолият кўрсатмоқда. Тиббиёт масканидаги 93 нафар ходимнинг 50 фоиздан кўпроғи O`zLiDeP аъзоси ҳисобланади.

— Инсонларнинг соғлиғини сақлашдек масъулиятли соҳада O`zLiDeP сафдошлари кўпайиб бораётгани бизга янада ишонч бағишлайди, — дейди «Нуробод» шифохонаси бош шифокори ва БПТ раиси Инобат Эгамбердиева.

Ўтган давр мобайнида ушбу БПТ фаоллари томонидан соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантириш бўйича маҳалла, мактаб ва коллежларда кўплаб давра суҳбатлари, турли учрашувлар ўтказилди.

Бундан кўзланган асосий мақсад аҳолини, айниқса, аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ва юрт келажаги бўлган баркамол авлодни вояга етказишга ҳисса қўшишдир.

# «Dimax Metall Servis» ташаббускорлар сафида

**ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ КИЧИК ҲАЛҚА ЙЎЛИ ОРҚАЛИ ЮРСАНГИЗ, ЁН ТОМОНДАГИ ЗАМОНАВИЙ ВА КЎРКАМ САВДО МАЖМУАСИГА КЎЗИНГИЗ ТУШАДИ. ЎЗИГА ХОС ЛОЙИҲА АСОСИДА БУНЁД ЭТИЛГАН МАЗКУР МАЖМУА БИР ПАЙТЛАР СОМОН БОЗОРИ, ДЕБ АТАЛАРДИ. КЕЙИНЧАЛИК БУ ЕРДА «DIMAX METALL SERVIS» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ТАШКИЛ ЭТИЛИБ, ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САВДОСИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ**



**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI ASR»

Айни кунда жамоада меҳнат қилаётган 39 нафар ходимнинг 16 нафари O`zLiDeP аъзосидир. Уларнинг саъй-ҳаракати билан бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, БПТ атрофига уюшган фаоллар ҳар соҳада ўрнак, ташаббускор. Яқинда республикамиздаги бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш ускуналари, транспорт ва бошқа техник воситаларнинг доимий ярмаркаси ташкил этилди.

— Ярмарка давомида 8 нафар тадбиркор ўз эҳтиёжларини қондириш учун тегишли миқдорда микрокредит олиш имкониятига эга бўлди, — дейди «Dimax Metall Servis»нинг етакчи мутахассиси, O`zLiDeP аъзоси Муродил Жўраев. — Эътиборлиси, Фазлиддин Муҳаммеджонов, Суннат Ортиқов сингари ходимларимиз ўз хизмат бурчларига сидқидилдан ёндашиш билан бирга партиявий топшириқларни ҳам бекаму кўст адо этмоқдалар.

— Бизнес-савдо мажмуини барпо этиш ғоясининг негизида нафақат қурилиш моллари бозорини йўлга қўйиш, балки ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолини иш билан банд этиш масаласи ҳам ётади, — дейди БПТ фаоли Адиба Жабборова. — Ўтган йилнинг ўзида 300 га янги иш ўрни яратилганлиги фикримиз далилидир. Фақат шугина эмас. Яқин орада «Dimax Metall Servis» МЧЖ мутасаддилари ва партия фаоллари саъй-ҳаракати билан бизнес маркази ташкил этиш режалаштирилган.

Бунинг натижасида бизнес-консалтинг, аудит, лизинг, менежмент, маркетинг хизматларини йўлга қўйиш, бизнес фаолиятига оид тренинглар, мастер-класс ҳамда семинарлар, бизнес-форумлар уюштириш имконияти туғилади.

**Қутлов**



Кучли қуйи бўғиндан — кучли партияга ● «XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетасининг махсус иловаси

# Бошланғич партия ташкилотларида

11 (383)-СОН | 2011 йил 17 март, **пайшанба** | **e-mail:** axborotXXIasr@yahoo.com

**Интилиш**

## Сиёсий фаоллик либералларни олға ундамоқда

**ТАЛИМАРЖОН ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ УНИТАР КОРХОНАСИДА O'ZLIDEP БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИГА АСОС СОЛИНГАНДАН СЎНГ КЎПЧИЛИКНИ ЎЙЛАНТИРИБ КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАР БАРҲАМ ТОПА БОШЛАДИ**

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI ASR»

Мана, бир мисол. Корхона қошидаги маданият саройи ташландиқ ҳолатга келиб қолган эди. Фаоллар ташаббуси билан мазкур бино қайта таъмирланиб, «Бошланғич партия ташкилоти клуби»га айлантирилди. Айни кунда ушбу гўша O`zLiDeP фаоллари билан гавжум.

Корхонада 200 нафар партия аъзоси бўлиб, бошланғич ташкилот томонидан амалга оширилган ишлар ҳар бир йиғилишда атрофлича сарҳисоб қилинади. Яқинда «Ёшлар иқтидори ва салоҳиятини ишлаб чиқариш жараёнига кенг жалб қилиш тармоқ ривожида муҳим омилдир» мавзуидаги давра суҳбати ташкил этилди. Сўзга чиққанлар Нишон туманида кичик бизнес субъектлари орқали маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ёшлар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, иқтисодий билимларини ошириш хусусида фикр юритдилар.

Тадбирда «Нефтгаз ва энергетика» коллежи талабалари корхона қошида тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирилди. БПТ фаоллари, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларини битираётган ёшларни тадбиркорлик соҳасига йўналтириш орқали уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашишмоқда. Корхона қошидаги ёрдамчи хўжаликда юзга яқин ёшларнинг иш билан таъминланганлиги бунинг исботидир.

— Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» номли маърузасида баён қилинган устувор ғояларни ўрганиш ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишга жиддий эътибор қаратаяпмиз, — дейди O`zLiDeP бошланғич партия ташкилоти раиси Алишер Элмўминов. — Бу, шубҳасиз, партия фаолларидан алоҳида масъулият талаб қилади. Шу боис сафларимизни ўз эътиқодига содиқ, ён-атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндаша оладиган, ҳар жиҳатдан етук ва баркамол кишилар ҳисобига тўлдиришга ҳаракат қилаяпмиз.

Нуристон шаҳарчасида 12 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Уларнинг аксарияти Талимаржон иссиқлик электр станциясининг ишчи-хизматчиларидир.

Бошланғич ташкилот йиғилишида ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш масаласига алоҳида урғу берилди. Зеро, партия аъзоларининг катта қисми навқирон йигит-қизлар ҳисобланади.

— Мамлакатимиз саноати ва аҳолисининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондиришга муносиб ҳисса қўшиш олдимизда турган асосий вазифалардан биридир, — дейди халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Бахтиёр Шарипов. — Сиёсий фаоллик ишчи-хизматчиларимизни янги-янги меҳнат зафарлари сари ундаяпти. Уларни қишин-ёзин қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлайдиган ёрдамчи хўжалик барпо этишга эришдик. Чўлнинг қоқ ўртасида деҳқончилик қилишимизга кўпчилик ишонмаган эди. Бизга 1100 гектар ер майдони ажратилди. Ҳозиргача шундан 700 гектарини ўзлаштирдик. 400 гектар яйловимиз бор. 500 гектар майдонда ғалла етиштирилади. Шартномадан ортиқча маҳсулотлар ишчи-хизматчиларга арзон баҳода сотилаяпти.

Бир сўз билан айтганда, партия фаоллари ижтимоий муаммоларни ҳал этишга жиддий эътибор қаратиб, эл-юртнинг дуосини олмоқдалар. Зеро, эзгулик ва яхшилик асло ерда қолмайди. Бошланғич партия ташкилоти ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, саломатликларини мустаҳкамлаш, меҳнат шароитларини янада яхшилаш йўлида яқин кўмакчи вазифасини ўтаётир. Аҳиллик ва ҳамжиҳатлик бўлган жойда ғоявий-сиёсий, ташкилий-партиявий ишлар янги мазмун касб этиб, меҳнат ютуқлари янада кўпайиши шак-шубҳасиз.





**XXI asr** хат қутисидан

## Танқиддан тегишли хулоса чиқарилди

**«XXI ASR» ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИНИНГ 2011 ЙИЛ 20 ЯНВАРЬ СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН «ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛАДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ПИСКЕНТ ТУМАНИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТИГА ТАНҚИДИЙ НУҚТАИ НАЗАРДАН МУНОСАБАТ БИЛДИРИЛГАН ЭДИ**

Мазкур ҳолат юзасидан O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши раиси О.Исломов имзоси билан жавоб хати олдик. Унда, жумладан, шундай дейилади.

O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши мазкур мақолада кўрсатиб ўтилган камчилик ва хатоларни атрофлича ўрганиб чиқди. Таъкидлаш жоизки, мақолада ҳақиқатан ҳам долзарб масалаларга муносабат билдирилган. Ана шуни ҳисобга олиб, партия кенгаши вилоятда, айниқса, Пискент туманида партиявий ишларни жонлантириш, депутатлик гуруҳлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга кўмаклашиш ва келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш мақсадида жорий йилнинг 28 январь куни Пискент туманида депутатлик гуруҳлари билан биргаликда вилоят кенгашининг кенгайтирилган қўшма мажлисини ўтказди.

Унда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари, вилоят партия кенгаши аъзолари, партия масъул ходимлари ҳамда Пискент туманидаги бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этдилар.

Мажлис иштирокчилари мақолада келтирилган масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, Пискент туманидаги партия депутатлик гуруҳи фаолиятининг сустлиги, бошланғич партия ташкилотлари талаб даражасида фаолият юритмаётгани, маҳаллий дастурлар ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш борасида камчиликлар борлигини қайд этдилар.

10 »

**Сарҳисоб**

### ВАЗИФАСИГА ҚАЙТА САЙЛАНДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги Халқ банки бўлими бошланғич партия ташкилотида ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишида БПТнинг ўтган йилдаги фаолияти таҳлил қилиниб, навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

O`zLiDeP Кегейли туман кенгашида ҳозирги кунда 25 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатиб, партиянинг дастурий мақсад ва ғояларини ўз аъзолари орасида тарғиб қилиб келмоқда.

Халқ банкининг Кегейли туман бўлимида бошланғич партия ташкилоти 2005 йилда ташкил этилган бўлиб, ўтган йиллардаги фаолияти мобайнида O`zLiDePнинг партиявий кўрсатмалари асосида фаолият юритиб келмоқда.

O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш гуруҳи раҳбари С.Қудайбергеновнинг таъкидлашича, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги бугунги ўзгаришлар партиянинг барча тузилмалари ўз фаолиятини қайта кўриб чиқишни талаб этаяпти. Ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказишдан асосий мақсад ҳам БПТлар ишини таҳлил қилиш орқали уларни давр талабига уйғунлаштиришдир.

Йиғилишда Халқ банк бўлими бошланғич партия ташкилоти раисининг ўтган йил давомида олиб борган ишлари қониқарли деб топилди ва ўз вазифасига қайта сайланди.

## Концепция ғоялари кенг ўқиб-ўрганилмоқда

**МАЪЛУМКИ, ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ» НОМЛИ МАЪРУЗАСИДА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА КЕЧАЁТГАН ЖАРАЁНЛАР АТРОФЛИЧА ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БОСИБ ЎТИЛГАН МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛ, ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШ ҲАМДА ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАРГА ТЕГИШЛИ БАҲО БЕРИЛДИ. АЙНИ ПАЙТДА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ИЗЧИЛЛИК БИЛАН АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ. БУ БОРАДА, ШУБҲАСИЗ, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ ҲИСОБЛАНГАН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКИ АЛОҲИДА АҲАМИЯТГА ЭГАДИР**

**Хўш, бугун сиёсий партиялар Концепцияда илгари сурилган устувор вазифаларни амалга оширишга тайёрмилар? Улар ўз олдиларига қўйилаётган масъулиятни қай даражада англаб етаяптилар? Шу кунларда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарори асосида жойларда ўтказилаётган бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида юқоридаги каби саволлар ўртага қўйилиб, партиявий-сиёсий ишларни йўлга қўйишнинг аниқ режалари белгилаб олинмоқда.**

**Айни пайтда O`zLiDePнинг қуйи бўғинлари 7556 та бошланғич ташкилотдан иборат бўлиб, улар фаолиятида асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида партия сиёсатини кенг тарғиб қилиш, шу орқали электорат вакилларини ўйлантираётган масалаларни ўрганишга қаратилмоқда. Ҳозиргача ўтказилган 6 900 дан зиёд ҳисобот-сайлов йиғилишларида асосий эътибор Концепцияда кўзда тутилган ғояларни ҳаётга татбиқ этиш, жамият ҳаётидаги демократик жараёнларни чуқурлаштириш борасида бошланғич партия ташкилотлари олдида турган долзарб вазифаларга қаратилмоқда.**

**Ҳисобот**-сайлов йиғилиши

## Банк партия фаолларига таянмоқда

**ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИНИНГ III МАЖЛИСИДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ МАҚСАДИДА АЙНИ КУНДА ЖОЙЛАРДА БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА**

O`zLiDeP Урганч туман кенгашининг «Микрокредитбанк» бошланғич партия ташкилотида ўтказилган тадбирида ҳам ана шу масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Анжуманда таъкидланганидек, Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик-тижорат банкини ҳам мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, халқ фаровонлигини оширишга йўналтирилган ишларни янада кучайтиришга ундади. Унинг O`zLiDeP вилоят ва туман кенгашлари билан ҳамкорлиги эса тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлашга туртки бермоқда. Президентимизнинг "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан ўтган йилда кичик бизнес соҳасига кўрсатилган микромолиявий хизматлар кўлами янада кенгайтирилди.

— Бугун бошланғич партия ташкилотимизга 19 нафар ходим аъзо бўлиб кирган, — деди БПТ раиси Н.Бойжанова. — Айни кундаги фаолиятимизни O`zLiDeP дастури ва Сайловолди платформасида назарда тутилган мақсад ва вазифалар асосида ташкил этаяпмиз. БПТ банк қошида тузилгани учун ҳам электоратимиз вакилларига амалий кўмак беришга астойдил ҳаракат қилаяпмиз. Хусусан, жойлардаги тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган микромолиявий хизмат турлари тўғрисида доимий равишда семинарлар ташкил этиб, уларни бу борадаги зарур ахборотлар билан таъминлаб келаяпмиз.

Тадбирда тадбиркорлик субъектларига микролизинг хизматлари кўрсатиш, айниқса, қишлоқ жойларга кичик ҳажмдаги минитехнологияларни етказиб беришни назарда тутувчи хизмат турларини кўпайтириш, микросармояларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтириш орқали оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда мазкур БПТнинг жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган иш режаси тасдиқланди.

